Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 224 (20. 192) • 1988 йил 29 сентябрь • пайшанба Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

МАШИНА ТЕРИМИ— ИШИМИЗНИНГ УНУМИ!



ПАХТАКОР ДУСТЛАР!

◆ Утган куни газетамизда 1987 йилда 1.000.000 тонналик пахта хирмони тикланган муддат — 4 октябрга бу йил 2.000.000 тонналик хирмон яратиш учун даъват қилгандик. Лекин сизнинг айни дамлардаги ғайратшижоатингиз ва кунлик суръатда эришаётган салмоқли ўсишингиз бу рақамни 2.500.000 тоннага етказиб қўйишингиздан дарак беряпти. Тилагимиз — ниятингиз йўлдош бўлгай!

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ!

◆ Пахтачиликда энг сўнгги агротехник тадбир — дефолиация ишлари ҳам ниҳоясига етди. Пайкалларда ғўза барглари тўла тўктирилди. Оппоқ чаноқлар теримга мунтазир. Галдаги навбат — Сиз, азиз механизаторларга келди. Ишингизга унум ва барака!

ЧЕВАР ҚУЛЛИ ТЕРИМЧИЛАР!

◆ Йиғим-терим тобора қизғин тус олиб, мавсум ҳал қилувчи паллага кирган шу кунларда қўл теримини бўшаштирмай, зиммангизга олган мажбуриятларингизни шараф билан бажаришга астойдил ҳаракат қилинг!

Кунига 5 процентдан

Косон районидаги «Партия XXII съезди» колхози деҳқонлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Улар давлатга 3200 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Миришкорларнинг ниятн — жами ҳосилнинг 70 процентини пўлат этаклардан тўкиш.

Айни кунларда хўжалик далаларида «зангори кема»лар жавлон урмоқда. Механик-ҳайдовчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли хўжалик хирмонига қут-барака кираётир. Кунига йиллик планнинг 5 процентн миқдорида пахта тайёрланаётганн фикримизнинг далили. Миришкорлар эл хирмонига кунига 150 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар.

Суратларда: 1. Колхоз ветеранн, 1-участка механигн Мамарўзи Шоймонов. 2. Хирмондан лавҳа. 3. Илғор механик-ҳайдовчилар — Х. Пўлатов ва К. Бўтаев.

В. МОЛГАЧЕВ фотоларн.

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Қўриқ Оқолтин райони марказида район партия комитетлари биринчи секретарлари, совет ва хўжалик органлари, партия ташкилотлари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг зонал кенгаши бўлди. Терим суръатлари ҳамда пахта тайёрлашни кескин жадаллаштириш, теримчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш, «Оқ олтин мавсуми» муваффақиятини ҳар томонлама таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Озуқа экинларини, сабзавот, полиз экинларини, мева ва узумни йиғиштириб олиш ва тайёрлашни тезроқ тугаллаш зарурлиги билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков ва Жиззах область ижроия комитетининг раиси А. Ш. Ҳабибуллаев ахборот бердилар. Кенгашда қатнашган район раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Бирлаштирилган Сирдарё области қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун катта потенциал имкониятларга эга эканлиги таъкидланди. Жумладан, бу йил областда 700 минг тоннадан кўпроқ пахта, кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланиши мумкин.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2,96	61,72	2,46	32,37
Қашқадарё	2,99	44,23	3,00	33,96
Фарғона	2,46	36,30	1,62	10,03
Наманган	2,78	34,00	2,50	16,08
ҚҚАССР	3,26	32,98	3,64	27,26
Андижон	1,85	32,88	1,24	7,87
Сурхондарё	3,03	32,76	4,50	31,19
Тошкент	5,19	32,54	6,15	27,83
Бухоро	2,80	28,28	2,50	10,24
Сирдарё	3,05	16,19	3,66	16,04
Самарқанд	1,71	12,69	1,11	4,10
Республика бўйича:	2,84	31,56	2,96	19,17
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	2,00	46,60	—	—
Сурхондарё	3,54	35,64	7,66	47,34
Қашқадарё	2,57	24,78	4,05	24,33
Самарқанд	1,56	21,06	0,23	0,23
Бухоро	0,23	4,20	—	—
Республика бўйича:	3,06	30,85	6,08	37,31

«Ҳосил-88»: «Дала-редакция» телефон линиясида

МУВАФФАҚИЯТ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Фарғона область Киров районн далаларида пахта йиғим-терими кун сайин авж олаётир. «Октябрь 40 йиллиги» совхози миришкорлари суръатга қанот бағишлаб илғорлар сафида боришяпти. Бу ерда кунига йиллик планнинг 3 процентига етказиб «оқ олтин» тайёрлашга муваффақ бўлинмоқда. Совхоз директори Ғанижон РАҲИМОВ редакцияга қўнғироқ қилиб, мавсумни тез ва соз якунлаш бўйича белгиланган режалар, олиб борилаётган ишлар, дастлабки ютуқлар ҳақида сўзлаб берди.

— Совхозимиз меҳнаткашлари яхши ният билан 4300 гектар ерда ғўза ўстиришди. Уларнинг йил бўйи қилган меҳнатлари зое кетмади. Барча майдонларда кўзланган марраларни ортиғи билан эгалланишини бемалол таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир уфқларга туташиб кетган кенг, кафтдек текис далаларимизда бўлган кишининг кўзи қувнайди. Пайкаллар кун сайин оппоқ тусга киряпти.

Ҳа, 11200 тонналик улкан хирмонни бунёд этиш учун замин ҳозирланди. Аммо биз мўл ҳосил етиштириш қутлуғ мақсад йўлидаги муҳим ишнинг бошланиши эканлигини яхши тушунамиз. Энг асосийси, бор пахтани тезроқ саранжомлаб олишдан иборат. Чунки куз йиғим-теримга жуда оз вақт ажратади. Бироз бепарволик қилиндими, нақдидан ҳам айрилдим, деяверинг. Шу сабабли биз мавсумнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, ҳар бир кунни зардорчасига ўтказиш режаларини белгилаб олганмиз.

Бу йил пахтамиз ҳар йилгидан анча эрта очилди. Бу нинг устига тер тўкиб ҳосил етиштирган деҳқонга мустақиллик берилди. Қўл теримига қачон тушиш, дефолиацияни қачон ўтказишни уларнинг ўзлари ҳал қилишяпти. Биз эса, пахтакорларнинг унумли ишлашлари учун шароит яратиш, зарур нарсаларни вақтида етказиб беришга эътиборни қаратиш билан бирга улардан фақат сифатли хом ашё териб топширишни талаб қиляпмиз.

Кўрган чора-тадбирларимиз яхши самаралар бермоқда. Дастлабки кунларданоқ пахтанигт тез ва тоза терилишига эришилмоқда. Қисқа муддатда уруғлик пахта тайёрлаш планц 150 процент қилиб бажарилди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортга қабул қилинди.

Бу йил механизаторларимиз жами пахтанинг ярмини «зангори кема»лар бункеридан тўкишга аҳд қилишган. Шу мақсадда машина теримига ажратилган пайкалларда ғўза баргининг тўла тўкилиши, қатор ораларида бегона ўтларнинг бўлмаслигини таъминлашга катта эътибор бердик. Сифатли бажарилган иш ҳозир кўнгилдагидек самара берганини пахтазорда бўлган киши бир қарашда пайқайди. Яланғоч ғўзалардаги маржон кўсаклар бодраб очиляпти. Пайкалларга гўё оқ чойшаб тўшалган.

Механизаторлар бу дамларни озмунча интиқлик билан кутишганмиди. Улар пахтазорга олиб кирган агрегатларини эрта тонгдан то кечгача тўхтатгилари келмайди. Ҳамманинг фикри-зикри бор ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишда. Дала гвардиячиларининг ғайратшижоатлари туфайли хирмонга барака кирмоқда. Кунига ҳар бир машина билан 5,5—6 тоннадан «оқ олтин» териляпти. Неъмат Акбаров, Мелиқўзи Шокиров, Тоштемир Абдураҳимов, Муқим Хусанов каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири ҳозиргача, 70-90 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлдилар.

Машиналар шарофати туфайли Мелиқўзи Шокиров, Абдубаннап Тожиевлар бошлиқ илғор бригадалар йиллик планларини 2—3 кундаёқ бажариб қўйдилар. Ҳар гектар ердан 22—23 центнердан хирмон кўтарган Шаробиддин Эгамов, Мамажон Маҳкамов, Худойберди Саломов, Муҳаммад Эрназаровлар бошлиқ оилавий пудратчи звенолар муваффақияти сирларини «зангори кема»лардан унумли фойдаланилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Биз қўл теримини кучайтиришга ҳам ҳаракат қиляпмиз. Ўз кучимиз билан барча ҳосилни йиғиштириб олиш чораларини кўряпмиз. Шу мақсадда, социалистик мусобақанинг оммавийлиги, ошкоралигини таъминлаш даққат марказимизда. Кўпмингкилограммчилар сафи тобора кенгаймоқда. Шахриниса Мамадалиева, Фотима Мўминова, Турсуной Марамоволарнинг уйган хирмонлари 7—9 тоннадан ошди. Улар кунига 150—180 килограммдан «оқ олтин» териб, кўпчиликни пахтазорда жасорат кўрсатишга чорламоқдалар.

Хўжалигимизда мавсум муваффақиятини таъминлаш бўйича олиб борилаётган таъсирчан чоралар туфайли ҳозиргача планнинг қарийб 45 процентн миқдорида пахта тайёрладик. Мақсадимиз куч-ғайратни янада ошириб, октябрь ойи ўрталарида йиллик маррани эгаллашдир.

Линияда «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири К. РИХСИЕВ навбатчилик қилди.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

М. С. Горбачев 27 сентябрь куни амалий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси К. Фомвихан билан учрашди.

М. С. Горбачев мамлакатдаги вазият тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади: эндиликда бизда партия, давлат, экономика, социал ва маданий соҳани, халқаро фаолиятни ўз ичига олувчи қайта қуриш сиёсати бор. Гап юзаки, пардоз берувчи тадбирлар тўғрисида эмас, балки мамлакатимизда социализмнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга қаратилган революцион ўзгартишлар тўғрисида бормоқда. Ҳозирги вақтда энг муҳими — олдимизда турган барча катта вазифалар қайта қуриш, бу ижодий жараёнга бутун халқнинг ва ҳар бир совет кишисининг актив қўшилиши орқалигина муваффақиятли ҳал этилиши мумкинлигини англаб олишга эришишдан иборат.

К. Фомвихан Совет Иттифоқидаги қайта қуришнинг халқаро аҳамиятини таъкидлаб, қайта қуриш тажрибасидан Лаос Халқ-Революцион партияси ўз мамлакатининг шароитларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланаётганлигини айтди. Партиянинг IV съезди да белгилаб берилган унинг стратегияси ва тактикаси янги иқтисодий сиёсатнинг ленинча ғояларига асосланган. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва халқ турмушини яхшилаш учун мамлакатдаги мавжуд барча хўжалик укладларидан фойдаланиш вазифаси қўйилмоқда. Бунда қишлоқ хўжалигида оила пудратини кенг жорий этиш, ерни деҳқонларга узоқ муддатга ижарага бериш, кооперативлар ўртасида шартномавий муносабатларни ўрнатиш, саноат корхоналарини хўжалик ҳисобига ўтказиш, молия системасини қайта ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Дастлабки тажриба янги сиёсатнинг самарали эканлигини кўрсатди — ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи ва корхоналарнинг фойдаси анча ортди. Ислоҳот билан бир вақтда, деди К. Фомвихан, биз катта тарбиявий ишларни олиб бормоқдамиз, одамларда янгича тафаккурни тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз.

М. С. Горбачев суҳбатдошининг гапларини диққат билан тинглаб, мамлакатларимиздаги шароит турлича бўлса ҳам, изланиш бир йўналишда — мулк муносабатларини қандай қилиб демократиялаш, инсонни ҳақиқий хўжайинга айлантириш, сиёсий соҳада, ижтимоий муносабатлар соҳасида унинг қобилиятларини рўёбга чиқариш йўлидан бораётганлигини таъкидлади.

Суҳбатдошлар икки партия ва мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳволи тўғрисида фикрлашиб олиб, бу соҳада сўнгги пайтда қилинган ишлардан мамнуният изҳор этдилар. Шу билан бирга Совет Иттифоқида қайта қуриш ҳамда Лаосда хўжалик механизмини ислоҳ қилиш, иккала мамлакат халқлари манфаатлари йўлида иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар очиб бераётганлиги таъкидланди.

Ҳалқаро масалаларни муҳокама қилиш чоғида Осиё-Тинч океани регионидаги вазиятга алоҳида эътибор берилди. К. Фомвихан Красноярскда баён қилиб берилган янги совет таклифларига Осиё-Тинч океани регионида тинчлик ва хавфсизлик юзасидан Владивостокда баён қилинган программанинг узвий давоми ва ривожлантирилиши, деб юксак баҳо берди. Бу таклифларни Лаос қўллаб-қувватлайди ва уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

М. С. Горбачев Жанубий-Шарқий Осиёни ядро қуролидан холи бўлган тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш юзасидан етти моддадан иборат Лаос олға сурган ташаббусларни, Таиланд билан муносабатларни яхшилаш, региондаги бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан Лаос Халқ-Демократик Республикаси амалга ошираётган тадбирларни табриклади.

Суҳбатдошлар миллий тотувлик асосида Кампучия муаммосини сиёсий бартараф этиш йўлларини излашдаги ижобий силжишларни қайд этдилар. Жакартадаги норасмий учрашув бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Совет Иттифоқи билан Лаос Кампучия теварагидаги аҳволни тезроқ ва адолатли нормаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрдирлар.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев ҳозир бўлди.

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ

ГДРнинг Совет Иттифоқи пойтахтидаги кўргазмаси — ҳамиша байрам. Бу — ҳозирги кунга диққат билан назар солиш ва келажакка нигоҳ ташлаш имконини берадиган қардош мамлакат ютуқларининг кўригидир. Бу — икки партия, мамлакат ва халқ ўртасидаги самарали муносабатларнинг ишончли далили, уларнинг ижодий алоқаларида янги имкониятларни очиш ҳамдир.

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 28 сентябрь куни СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ташкил этилган экспозиция билан танишдилар.

Кўргазмага В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Н. И. Рижков Н. И. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, А. Н. Яковлев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Н. В. Тализин, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, И. В. Капитонов ўртоқлар, бошқа расмий кишилар келдилар.

Кўргазмада Э. Хонеккерга ҳамроҳ бўлган Г. Миттаг, О. Фишер, бошқа кишилар ҳам ҳозир бўлдилар.

Экспозицияя кўздан кечирилди, унинг бўлимлари ГДР халқ хўжалиги ҳамма соҳаларининг ривожланишини, социал сиёсат соҳасидаги тараққиётини акс эттиради. ГДРнинг 150 комбинати ва 38 савдо корхонаси бу ерда Германия Бирлашган социалистик партияси раҳбарлигида эришилган халқ меҳнатининг хилма-хил натижаларини намойиш қилмоқда. Кўргазма қардош мамлакатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдан тортиб, энг илғор технологияларни, микроэлектроника, космик техника, материалларнинг янги турларини яратишгача — халқ хўжалигининг энг муҳим муаммолари қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида комплекс тасаввур беради. Ҳисоблаш воситалари, мураккаб технология жараёнларини бошқаришнинг энг янги системалари хилма-хилдир.

Кўргазмани кўздан кечириш чоғида Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлигининг сифат жиҳатдан янги даражаси тўғрисида, қардош мамлакатлар фан-техника тараққиётининг устун йўналишларидаги ҳаракатини жадаллаштирадиган социалистик иқтисодий интеграциянинг муҳим роли тўғрисида гаплашилди.

(ТАСС).

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов раислигида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юбилей комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия шоир юбилейи муносабати билан олиб борилаётган ишлар ҳақида — Қўқон ва Шоҳимардонда Ҳамза музейларининг қурилиши, Қўқондаги шоир туғилган уйнинг тикланиши, бошқа бир қатор объектларнинг бунёд этилиши ҳақида хабардор қилинди. Бу ишлар муддатида тугалланиши ва энг юксак савияда амалга оширилиши учун барча зарур нарсалар билан тўла таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг қарори билан союз правлениесининг биринчи секретари В. Карпов бошчилигида Ҳамза юбилейини ўтказиш Бутуниттифоқ комиссияси тузилди. Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида юбилейга бағишланган кеча ўтказиш мўлжалланмоқда.

Комиссия Ҳамзанинг 100 йиллигига бағишланган бошқа тадбирлар ҳақидаги хабарларни тинглади. Чунончи, Ҳамза номли Академик драма театри «Бой ила хизматчи» пьесасининг янги постановкасини тайёрламоқда. Бу спектакль Москвада, Халқлар дўстлиги театрида ҳам кўрсатилади. Қўқонда театр фестивали бўлади. Фестивалга турли саҳна коллективлари Ҳамза асарлари асосида тайёрланган спектакларини тақдим этадилар.

Ҳозир Ҳамза асарлари беш томли академик нашрининг биринчи китоби босмадан чиқди. Бошқа юбилей нашрлари ҳам ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида кўп минг нусхада чиқарилади. Шоир тўпламларининг бирига унинг Совет Иттифоқининг 15 та қардош республикаси халқлари тилларига таржима қилинган асарлари киради.

Республика кинематографчилари юбилейга тайёргарликни авж олдириб юбордилар. Ҳозирнинг ўзида Ҳамзага бағишланган 5 та ҳужжатли фильм тикланди. «Бой ила хизматчи» ва СССР халқ артисти Олим Хўжаев бош ролни ижро этган «Ҳамза» бадиий ленталарини тиклаш юзасидан иш олиб борилмоқда. «Майсаранинг иши» янги фильмини суратга олиш тугалланмоқда.

Комиссия ўз составига қисман ўзгартишлар киритди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов комиссия раисининг ўринбосари, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов комиссия секретари қилиб тасдиқланди.

Мажлис чоғида Ҳамза туғилган кунининг 100 йиллиги ташкилий ва ғоявий жиҳатдан ғоят юксак савияда ўтказилиши лозимлиги таъкидланди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фақат ўзбек совет адабиётининг асосчиси эмас, унинг бутун қўпмиллатли совет адабиётига қўшган ҳиссаси беқиёсдир ва ажойиб шоир, драматург, публицист хотирасини муносиб баҳолаш зарур.

(ЎзТАГ).

МАРОКАШ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Вакиллар палатасининг раиси Аҳмад Усмон бошчилигидаги Марокаш қироллиги парламент делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Марокашлик парламент аъзолари СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турибдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенини, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройини, Ўзбекистон Фанлар академиясининг шарқшунослик институтини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилиндилар.

28 сентябрь куни Марокаш парламент аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда меҳмонлар Ўзбекистон партия ташкилотининг КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга ошириш борасидаги ишлари билан, партия, совет ва халқ хўжалиги турмушининг барча соҳаларида қайта қуриш қандай бораётгани билан таништирилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари партиянинг ишда демократик асосларни янада ривожлантиришга, рўй-ростлик, ошкоралик вазиятини вужудга келтиришга, республика турмушига доир энг муҳим масалаларни муҳокама қилишга аҳоли кенг табақаларини жалб этишга қаратилган йўлини тўлатўкис қўллаб-қувватлаётганликларн таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ва жумладан Ўзбекистон билан муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд этиб ўтилди. Тошкент билан Марокаш биродарлашган шаҳарлар бўлиб қолди. Доимий мулоқотлар халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга, Марокаш билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Аҳмад Усмон ўзига кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорчилик изҳор этиб, Марокаш билан Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар тобора кенгайиб, мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

Суҳбатда СССР Олий Советининг депутати, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Молодая гвардия» журналининг бош редактори А. С. Иванов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов, шунингдек Марокаш қироллигининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мехди Мрани Зентар иштирок этдилар.

Марокаш парламенти делегацияси Самарқандга сафар қилади.

(ЎзТАГ)

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

ЭСКИЧА УСЛУБ

ЙИҒИЛИШДА КОММУНИСТЛАР АКТИВЛИГИ, ЖАНГОВАРЛИГИ СЕЗИЛМАДИ. ОҚИБАТДА НУҚСОНЛАРНИНГ ТУБ МОҲИЯТИ, МУАММОЛАР САБАБИ ОЧИЛМАЙ ҚОЛДИ.

Ҳўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш участкаси Наманган шаҳри аҳолисига хизмат қилади. Участка коллективи белгиланган планларни мунтазам бажармоқда. Ўтган саккиз ойда кўзда тутилганидан 15 минг сўмлик кўп иш бажарилди. Коллектив муваффақиятига бошланғич партия ташкилоти унга уюшган 12 нафар КПСС аъзоси қандай ҳисса қўшмоқда? Партия аъзолари ўзларининг ташаббускорликлари билан коллективга ибрат бўляптиларми? Мавжуд камчиликларга қарши қандай кураш олиб боришяпти?

Ҳисобот-сайлов йиғилишида мана шу саволларга атрофлича жавоб берилиши керак эди. Афсуски, бундай бўлмади. Ҳисобот доклади қилган партия ташкилоти секретари А. Жўраев коммунистлар активлигини белгилайдиган мезонлар, партия аъзоларининг фаоллиги тўғрисида эмас, кўпроқ ишлаб чиқариш масалаларига тўхталди. Музокарада сўзга чиққан участка бошлиғи У. Умаров, бош инженер Р. Муродуллаев, Ж. Мўминовлар ҳам докладчидан андоза олиб, бевосита бажарилаётган ишлар тўғрисида ахборот бериш билан чекланишди.

Ваҳолонки, бу ерда ишни яхшилашга ҳалақит бераётган қатор муаммолар бор. Масалан, бетон қориш узелидан унумли фойдаланилмайди. Йил давомида иккита ана шундай узел билан бор-йўғи 2209 кубметр бетон тайёрланди, холос. Бу ишлаб чиқариш қувватининг ярмига ҳам тўғри келмайди. Қурилиш материалларини иш жойига етказишда ҳам нуқсонлар бор. Арзимаган ишлар учун одамлар кун бўйи овора бўладилар. Шунингдек, транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Халқ контроли группасининг раҳбари С. Маннонов таъкидлашича, участкада назорат ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Назоратчилар фаолияти суст. Прораб ва мастерлар иш жараёнида сифатни қатъий назорат остига олишмайди. Буюртмачилар ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари тугатилмаяпти. Масалан, нурободлик А. Тошматов қурувчиларга уй қурдирганда ундан 115 сўм кўп пул олинди. Клара Цеткина кўчасида яшовчи М. Маҳмуджоновдан ҳам иситиш қувурлари монтажи учун 39 сўм ортиқча ҳақ олинди. Оқибатда улар юқори ташкилотларга шикоят қилишди. Текширишдан сўнг ортиқча олинган пуллар буюртмачиларга қайтариб берилди. Мастер С. Оқиловдан маошининг 50 проценти ушлаб қолинди. Аммо булар участка назоратчилари, маъмурият ёки партия ташкилоти томонидан эмас, балки юқори органларнинг текширувларидан кейин ҳал этилди.

Бу йил Наманган шаҳрида якка тартибда уй қуриш уч-тўрт ҳисса кўпайди. Аммо одамлар ҳамиша ҳам участка қурувчиларига мурожаат этишмаяпти. Чунки коллективнинг ишидан буюртмачилар қониқишмаяпти. Бу эса аҳоли жон бошига хизмат кўрсатишнинг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Жумладан область бўйича бу соҳадаги кўрсаткич 11 сўм 10 тийин бўлса, Наманган шаҳрида 8 сўм 60 тийинни ташкил этади, холос. Партия ташкилоти жон бошига кўрсатилаётган хизматнинг пастлигидан ташвишланмаяпти. Шу боисдан коммунистлар ташаббус кўсатиш, бошқаларни ортларидан эргаштириш ўрнига ҳамма қатори, ўртамиёналикдан нарига ўтишмаяпти.

Йиғилиш давомида бирорта коммунист юқоридаги камчиликлар қайси раҳбарнинг айби билан содир этилаётгандиги ҳақида тўхталмади. Бу ўз навбатида ишдаги муаммоларни четлаб ўтишга йўл очди. Танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмагандан кейин йиғилиш бундан бошқача ўтиши мумкин эмаслиги ўз-ўзидан равшан. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳисобот докладини тайёрлашда коммунистлардан ҳеч ким қатнашмади.

Ҳуллас, йиғилиш демократия, қайта қуриш, жадаллаштириш талаблари асосида эмас, балки эскича усулда, мен сенга, сен менга тегма қабилида ўтди. Шу тариқа коммунистларга хос бўлган жанговарлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, ишни яхшилашга халақит бераётган муаммоларни юз-хотирсиз очиб ташлаш каби фазилатлар рўёбга чиқмай қолди.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУЗОКАРА ҚИЗИДИ

Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози 2-бўлими цех партия ташкилоти ўз сафига 22 коммунистни бирлаштирган. Цех партия ташкилотининг секретари А. Бойжигитов ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистларнинг бўлим ишлаб чиқаришида фаол иштирок этишаётганлигини мамнуният билан айтиб ўтди.

Бироқ унинг юзаки, кўпроқ мақтовга мойил сўзлари йиғилиш иштирокчиларини қониқтирмади. Шу туфайли ҳам доклад юзасидан бўлган музокаралар қизиб кетди.

— Цех партия ташкилоти коммунистларнинг тақдири билан мунтазам қизиқмаётир, — деди коммунист Қаюм Маматов. — Шу боисдан ҳам КПСС аъзоларининг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказишга етарли аҳамият берилмади. Коммунистлар бунга пухта тайёргарлик кўрмадилар. Оқибатда ишчи Р. Аргунова партия сафидан ўчирилди. Ахир, у бир вақтлар меҳнатсевар ва актив жамоатчи бўлганлиги учун партия сафига қабул қилинган эди-ку. Агар партия ташкилоти кейинги пайтларда уни ўз эътиборидан четда қолдирмаганда, бу хунук воқеа содир бўлмасди.

— Омма орасида олиб борилаётган идеология ишлари ҳам талаблар даражасида эмас, — деди агротехник А. Қодирова. — Коммунистлар янгича урф-одатларни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашишмаяпти. Музокарада қатнашган бригада бошлиғи Т. Давронова, цех партия ташкилотининг бундан бошқа камчиликларини ҳам айтиб ўтди: — Биз кўпинча коммунистга у ёки бу камчиликлари учун тегишли жазо берамиз-у, кейинчалик унинг тақдири билан қизиқмай қўямиз. КПСС аъзолари М. Нишонова, Т. Танабердиевага шундай муносабатда бўлдик. Уларга ишдаги нуқсонлари учун ҳайфсан берилган эди. Кейинчалик партия ташкилотининг секретари ҳам, барча коммунистлар ҳам улар ўз камчиликларини йўқотишдими, йўқми, дея қизиқишмади. Шу боисдан уларнинг ҳайфсанлари ҳанузгача олиб ташланмади.

Ҳисобот доклади юзасидан сўзга чиққан ўн тўрт коммунистнинг етти нафари партия ташкилоти фаолиятини бундан кейин активлаштиришга қаратилган конкрет таклиф ва мулоҳазалар киритди. Йиғилишда партиясизлар ҳам иштирок этишиб, ўз нуқтаи назарларини баён қилиш имкониятига эга бўлдилар.

М. ҚАЮМОВ,
жамоатчи мухбир.

Дунё воқеалари

БМТ Бош Ассамблеясининг 43-сессиясида Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ нутқи

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе бугун БМТ Бош Ассамблеясининг 43-сессиясида сўзга чиқди.

Биз одатдан ташқари даврда учрашиб турибмиз. Бу давр ноёб воқеаларга тўлиб-тошган. Агар биз бу воқеаларни тенденцияга айлантира олсак, улар инсоният турмушининг нормаси бўлиб қолиши мумкин, деди у.

Бу ўринда гап давлатлар ва халқларнинг куч-ғайратлари билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг куч-ғайрати билан вужудга келтирилаётган янги дунё календари ҳақида бормоқда.

Бу календарда:

— Олий даражадаги Москва учрашуви ўтказилиб, М. С. Горбачев билан Рональд Рейган ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартномани кучга киритувчи ҳужжатни бир-бирларига топширганликлари;

— Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этиш тўғрисидаги Женева битимлари тузилганлиги;

— Ядровий ракеталар биринчи бор ошкора йўқ қилинганлиги;

— Эрон — Ироқ урушида ўт очиш тўхтатилганлиги қайд этилган.

Мана шуларнинг ҳаммаси 1988 йилда рўй берди, бу йилда бошқа кўпгина катта воқеалар ҳам содир бўлди.

Африка жанубига оид тўрт томонлама музокаралар ҳам;

Кампучия теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этиш йўлидаги силжиш ҳам;

Корея яриморолидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўтказилган алоқалар ҳам;

Парчаланган Кипрда яқин вақтгача муросага келмай турган жамоалар раҳбарларининг мулоқоти ҳам;

БМТ Бош секретарининг Ғарбий Саҳрои Кабир муаммоларини бартараф этиш хусусидаги ташаббусига ижобий фикр билдирилганлиги ҳам 1988 йилнинг ютуқлари жумласига киради.

Ўз мамлакатимдаги партия конференциясини ҳам йилнинг муҳим воқеалари жумласига қўшишни лозим кўраман. Унинг асосий хулосаси — қайта қуриш муқаррарлигидир. Қайта қуриш бизнинг ички ва ташқи сиёсатимизда муқаррардир.

Ўз хонадонимиздаги туб ўзгаришлар, М. С. Горбачев ибораси билан айтганда, биздан халқаро ишларга ҳам янгича ёндашувларни талаб қилди.

Ҳозир дунё янги негизларда ўзини-ўзи қайта қурмоқда.

Давлатларнинг ялпи куч-ғайратлари билан, янгича сиёсий тафаккур принципини рўёбга чиқара бориб, уруш хавфини орқага суришга муваффақ бўлинди.

Энди биз кенг қамровли хавфсизлик сари олға боряпмиз. Бу эса чинакам интернационал ҳамкорликни талаб қилади.

Сессиядаги совет делегациясининг бошлиғи таъкидладики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсониятга таҳлика солиб турган энг катта хавф — ядро фалокатини тугатишда тобора фаол ва бевосита роль ўйнаши лозим.

Космос БМТ жуда катта эътибор билан қарайдиган соҳа бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамият космоснинг ҳарбий рақобат майдонига айланиб кетмаслигидан бениҳоя манфаатдордир.

Ҳозир сиёсий мақсадларга уруш ва унинг воситалари ёрдамида эришиб бўлмайди, деб таъкидлади у. Бу фикрга маҳаллий можаролар нуқтаи назаридан қарайлик. Ҳар хил тарзда бошланган ва турлича ривожланиб борган бу можароларга битта умумий қонуният хос бўлмоқда. Чунончи, улар ҳаддан ташқари узоқ чўзилиб кетмоқда, ижобий сиёсий натижа билан ҳал бўлмаяпти.

Бироқ маҳаллий можароларга аралашиш ўрнига жаҳон ҳамжамияти бу можароларни бартараф этишга кўмаклаша бошлаган жойларда дарҳол ижобий сиёсий натижага эришилмоқда.

Шу муносабат билан Афғонистон ҳақида гапирмай ўта олмаймиз.

Женева битимлари — маҳаллий можарони бартараф этишнинг биргина шу ерга хос бўлган намунаси эмас.

Бу — дунёни соғломлаштириш жараёнидаги кетмакет содир бўладиган воқеаларнинг дастлабки бўғинидир.

Бу — жаҳон сиёсатида сиёсий тафаккур сифат жиҳатдан қайта қурилганидан далолат берувчи янги умид-бахш дебочадир.

Бу — бошқа регионларга эзгулик хабаридир.

Женева битимларини ҳар қандай бузиш мазкур ютуқларга путур етказади.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси битимлар юзасидан олган ўз мажбуриятларини тўла-тўкис, сўнгги ҳарфигача бажармоқдалар.

Совет қўшинлари олиб чиқиб кета бошланиши билан ок битимларни кетма-кет бузишлар бошланди. Бу бузишларнинг рўйхати мазкур регионда қон тўкиш тўхтатилганлиги тўғрисида кеча шу ерда янграган даъволарни бутунлай йўққа чиқариш мумкин.

Мана шундай вазиятда ғалати аҳвол рўй бермоқда: бир томондаги давлатлар ўз мажбуриятларини беками кўст бажариши бошқа давлатларга янги жиноятлар қилиш учун шароит яратмоқда, не азоблар билан эришилган умидни йўққа чиқариш — бу жиноятлар орасида энг даҳшатлисидир.

Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Можароларни бартараф этиш хусусида Афғонистон юзага келтирган умид барбод бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Биз Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг БМТ Бош секретари ҳузуридаги учрашувида Женева битимларини бажариш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни таклиф этамиз. Учрашувга бевосита манфаатдор томонларнинг вакилларини ҳам таклиф этиш яхши бўлур эди.

Қонуннинг устунлиги — бизнинг мамлакатимиздаги сиёсий янгиланишнинг энг мустаҳкам негизларидан биридир. Ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш бизнинг ташқи сиёсатимизга ҳам бевосита алоқадордир.

Ҳуқуқий давлатлардан ҳуқуқий тинчлик сари бориш — ҳаракат мантиқидир.

Бу йўлдаги ҳаракатни халқаро ҳуқуқни ривожлантиришнинг кенг миқёсли узоқ муддатли программасини ишлаб чиқишдан бошлаш мумкин. «Ҳуқуқ орқали хавфсизликка, ишонч ва ҳамкорликка эришиш» шиори бу программанинг умумий йўналишини ифодалаган бўлур эди.

Янги сиёсий тафаккурнинг энг муҳим бўғини — йўл танлаш эркинлигини таъминлашда ҳуқуқнинг роли бошқа ҳар қандай соҳадан кўра ҳам катта деса бўлади. Бинобарин, Африка жанубида, Яқин Шарқда, Марказий Америкада, бошқа жойларда содир бўлаётганидек, халқаро ҳуқуқ тинимсиз бузилаётган шароитларда ўз йўлини танлаш эркинлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Совет Иттифоқи халқаро муносабатларни мафкурадан холи қилиш, мафкуравий ихтилофларнинг устунлиги компонентини ташқи сиёсатдан ва дипломатиядан соқит этиш зарур, деб ҳисоблайди. У бошқаларнинг ҳам шундай йўлдан боришини умид қилади ва истайди.

Шу сабабли Совет Иттифоқи раҳбарияти барча халқлар учун муштарак манфаатларни устун деб ҳисоблаб, синфий ва умуминсоний белгиларнинг ўзаро боғлиқлигидан иборат бўлган ва марксизмга аввал бошданоқ негиз қилиб олинган ғояни чуқурроқ идрок этишга интилди.

Давлатлараро муносабатларнинг универсал принципи бўлмиш бизнинг тушунчамиздаги тинч-тотув яшаш синфий курашнинг алоҳида бир шакли эмас.

Тобора хилма-хил қиёфага кириб бораётган дунёнинг қаттиқ табақаланиши ўрнига унинг жипслашуви қарор топиши керак, мана шундай жипслашув шароитида иккита турли системанинг рақобати номуҳолифлик шаклига кириб боради.

Дунёнинг янги календарида бу йил қизил ҳарфлар билан ёзиладиган кўпгина «саналар» рўёбга чиқмаганини совет делегациясининг бошлиғи уқтириб ўтди.

Масалан, унда стратегик қуролларнинг эллик процентини қисқартириш тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш санаси йўқ. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартнома туфайли бошланган реал қуролсизланиш суръати музокара босқичида сусайиб қолмоқда.

1988 йилда қуролнинг космосга чиқиш йўлини тўсиб қўядиган битим ҳам тузишга муваффақ бўлинмаганлиги ачинарлидир.

1988 йилда, химиявий қуролни батамом тақиқлаш ва тугатиш тўғрисида универсал тарихий конвенция имзоланади, деб умид қилиш учун бизда ҳамма асослар бор эди. Аммо бу йўлда ҳам охирги ғолибона қадамни қўйишга пайсалга солишларнинг ёпишқоқ ботқоқи халақит бермоқда.

Бошланган ядровий қуролсизланиш оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучлар, шу жумладан денгиз қуроллари муаммосини бўрттириб юзага чиқариб қўйди. Бу йил шу соҳада ҳам катта умидлар бор эди.

Бизнинг мақсадимиз равшан, у ҳам бўлса, шундай даражага эришишдан иборатдирки, томонларда фақат мудофаа учун етарли бўлган, аммо қўққисдан ҳужум қилиш ва ҳужум ҳаракатлари олиб бориш учун етмайдиган куч ва воситалар қоладиган бўлсин.

Умумосиё хавфсизлигини таъминлаш муаммоси календарда биринчи навбатдаги вазифалар қаторида турибди. Бу муаммо бутун дунёнинг келажагига бевосита даҳлдордир.

Рўёбга чиқмай қолган умидлар ҳақида гапирганда, биз Яқин Шарқдаги ва Марказий Америкадаги энг қалтис муаммоларни бартараф этишда силжишга эришилмаганини эсламай ўта олмаймиз.

Иккинчи фронт — экология фронти ядро-космик хавфи фронтига яқинлашиб, у билан бараварлашиб қолаётганини биринчи бор даҳшатли равшанлик билан пайқаб олганимизни ҳам айтиб ўтмоқ керак.

Бир-бирига мутлақо зид бўлган мафкуравий дунёларнинг чегаралари экологик фалокат хавфи қаршисида орқага чекинади. Биосфера на блокларни, на иттифоқларни, на системаларни тан олади.

Режалаштириб қўйилган ёки ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилаётган муайян ҳарбий программалардан воз кечиш ва бўшатиб олинадиган маблағларни экологик хавфсизлик халқаро режимини вужудга келтиришга сарфлаш жуда оқилона иш бўлур эди, биз Америка Қўшма Штатларига, бошқа давлатларга мана шундай қилишни таклиф этамиз.

Бу йилги барча экологик ишкалликлар табиатдан оқилона фойдаланишнинг жаҳоншумул стратегиясини ишлаб чиқишда бирлашиш ва ҳаракатни мувофиқлаштириб олиб бориш вазифасини олдинги ўринга чиқариб қўйди.

Бизга планетани вайрон қиладиган воситалар эмас, балки уни омон сақлаб қоладиган воситалар зарур.

Бу йил ҳаракат қилиш ва айни вақтда халақит қилиш ҳодисалари кўп содир бўлди. Бу эса М. С. Горбачев айтган фикрнинг тўғрилигини исботлади: «Дунёда кўп жиҳатдан одат тусига кирмаган мураккаб вазият вужудга келмоқда, — деди у. — Биз ҳам янги истиқболларни, ҳам янги қийинчиликларни очиб берадиган ва узоқ давом этадиган янги йўлнинг бошланишида турибмиз».

Қайси тенденция устунлик қилади? Олға томон янги ҳаракат қилиш тенденциясими ёки турғунлик сусткашлигими — қайси бири ғолиб чиқади?

Ҳатто «абадий» ҳикмат тарзида баён этилган бўлса ҳам, баъзи бир ақидалардан воз кечган тақдирдагина бу саволларга жавоб топа оламиз.

Мўътабар халқаро минбарлардан қилинадиган пандасиҳатлардан воз кечиш ва халқаро мулоқотда тенглик принципини тан олиш керак.

«Зўравонлик позициясида туриб тинчликка эришиш» тўғрисидаги ақидага келганда эса, уни ўтмишнинг чиркин ақидаларига таъзим қилувчи кимсаларга қолдирайлик.

Ақл-заковат орқали тинчликка эришиш — тарихнинг ҳукмрон ғоясидир, келажакни кўзловчи асл ғоя — айни мана шундай иборат, деб таъкидлади Э. А. Шеварднадзе.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг актёрлари Рихси **Авазов**, Теша Ҳусаинович **Мўминов**, Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театрининг актёрлари Рима Ашуровна **Аҳмедова**, Эркинбой **Комилов** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

ЖИНОЯТ-ҚИДИРУВ ХИЗМАТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Бу учрашув байрамга бағишланган бўлишига қарамай, жуда амалий руҳда ўтди. Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси 27 сентябрь куни ўтказган матбуот конференциясини шундай таърифлаш мумкин.

Журналистлар билан учрашувда ички ишлар органларидаги бу ғоят муҳим хизматнинг тарихидан кўра (унинг шонли саҳифалари оз эмас) ҳозирги қийин кунлари тўғрисида кўпроқ гап борди. Бутун мамлакатни оёққа турғизган қайта қуриш жиноят-қидирув хизматини ҳам четлаб ўтмади. Ички ишлар бошқармасининг шу бўлими ҳозир юқори малакали профессионал ходимлар билан мустаҳкамланган бўлиб, улар энг чигал жиноятларни ҳам очишга қодирдирлар. Жиноят-қидирув ходимлари ўз ҳаракат услубларини такомиллаштириш устида муттасил ишламоқдалар, жиноятларнинг олдини олиш учун, қонунни бузиш ҳолларининг биронтаси ҳам очилмай қолмаслиги учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бу ишнинг ўз қийинчиликлари, ҳал қилинмаган масалалари бор, албатта. Аммо Тошкент жиноят-қидирув хизмати ходимлари омма билан алоқаларни мустаҳкамлаб, ўз ишларида аҳолининг кенг табақаларига таяниб, қийин, лекин олижаноб ишда тобора яхшироқ натижаларга эришмоқдалар.

Матбуот конференциясида ҳозир бўлган журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар. **(ЎзТАГ).**



АВТОҲАВАСКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Республикамиз пойтахтидаги давлат автоинспекцияси ходимлари ҳар йили автомашиналарни янги диагностика станциясида кўрикдан ўтказадилар. Бу иш конвейер усулида амалга оширилляпти. Айниқса, агрегатлар ва унинг эҳтиёт қисмлари синчиклаб текширилади. Кўрикнинг ҳар бир босқичида тормоз системаси, рулни бошқариш ва автомобилнинг ташқи кўринишн ҳамда унинг токсикологик моддалар чиқариш жойлари текширилади. Бу ишларнинг ҳаммасига бор йўғи 12-15 минут сарфланади.

Фақатгина ўз машинасига эътиборсиз қараган шахсий машина эгаларининг автомобилларигина ўта диққат билан кўздан кечирилади. Бу станция икки сменали иш жараёнида кунига 215 автомашинага хизмат кўрсата олади. Ҳозирги пайтда станцияда дастлабки линия ишлаб турибди. Навбатдаги икки линия ишга тушгач, кунига 1,5 минг автомашинага хизмат кўрсатиш имконияти вужудга келади.

Марказлаштирилган малакали хизмат ўзининг самарасини бермоқда.

Суратда: автомобилни кўрикдан ўтказиш пайти.

А. ГОРОКРИК фотоси (ЎзТАГ).

НИФОҚ УРУҒИНИ СОЧИША ОЛМАДИ

ЕРЕВАН, 27 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири В. Терновский). Шаҳарнинг меҳнат маромини бузиш учун жамоат транспорти ишини тўхтатиб қўйишга даъватлар қаердан келмоқда, деган саволга Арманистон ССР Ички ишлар министрлигида тўғридан-тўғри бу даъватлар манбаи «Қорабоғ» комитети деб кўрсатиб берадилар. «Қорабоғ» раҳбарлари ўзларининг одамларига ўтказаётган таъсирлари қолмаётганлиги учун ўз мақсадларига турли шубҳали ҳаракатлар билан эришишга уринмоқдалар. Масалан, корхоналар дарвозалари олдида, серқатнов йўлларда бир тўда одамлар пайдо бўлиб, ҳаракатга тўсқинлик қила бошладилар, машиналарни тўхтатиб, дўқ-пўписа қилдилар. Хуллас, милиция хроникаси ҳужжатларида айтилганидек, автобуслар, троллейбуслар, трамвайларнинг маршрутга чиқишига йўл қўймаслик учун буларнинг йўлини тўсиб, ҳайдовчиларга нисбатан зўравонлик қилмоқдалар.

Табиийки, шаҳар транспортида юз берган ташвишли аҳвол жамоат тартибини муҳофаза қилувчи кучларнинг дарҳол аралашувини талаб қилди. Ивговарларнинг хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик учун милициянинг бутун состави, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш учун ажратилган кучлар, дружиначилар оёққа турғизилди.

Республика Ички ишлар министрлиги аппаратининг пикетчиларнинг эҳтимол тутилган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш юзасидан ўтказилган рейдда иштирок этган ходимлари бундай далолат бермоқдалар:

— Транспорт — шаҳар организмининг муҳим қон томиридир. Агар у тўхтатиб қўйилса, шаҳарда ҳаракат тўхтаб қолади. Вазиятни беқарорлаштиришдан манфаатдор бўлган кишилар буни яхши тушунадилар. Бу жуда катта хавф, шунинг учун ҳам уни ҳисобга олмай бўлмайди. Шу сабабли бундай ҳолларда кўзда тутилган ҳамма чоралар кўрилди. СССР Олий Совети Президиумининг «СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Фармонига, шунингдек Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг «Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида»ги қароригa асосан ғайри-ҳуқуқий хатти-ҳаракатларга аралашган кишиларга нисбатан маъмурий ва ижтимоий таъсир чоралари қўрилди. Ҳозирги кунгача 84 кишига нисбатан ана шундай тегишли чора кўрилди. Уларнинг бири халқ суди томонидан ҳукм қилинди, тўрт киши 10-15 кунга маъмурий қамоқ жазосига тортилди, 39 кишига жарима солинди. Тартибсизликлар ва рухсатсиз митингларнинг кўпгина қатнашчилари хусусидаги материаллар судга оширилди. Уларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги даражасини суд ҳал қилади.

Шу муносабат билан транспорт ишидаги вақтинчалик узилишлар ереванликларга медицина ёрдами кўрсатиш ишида деярли ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларни келтириб чиқарган, бунинг оқибатида кўпгина инвалидлар, қариялар, болалар жабр кўрган пайтда республика Соғлиқни сақлаш министрлигидан транспорт ходимларига йўлланган ташвишли мурожаатномани эсладим. Лекин мулоҳазасизлиги бадиятликка айланган кишиларнинг бу билан иши йўқ.

Мана улар яна бир бор нифоқ уруғини сочишга уриниб кўрдилар. Лекин уддалай олмадилар.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

✦ Руминияда дарёлар ва сув ҳавзалари тозалиги учун кураш умуммиллий тус олди. Атроф-муҳитни муҳофаза этишга давлат бюджетидан ҳар йили 1 миллиард лейдан кўпроқ пул ажратилади. Бу пуллардан сув тозалаш станциялари ҳамда ички сув ҳавзалари ва дарёларда сувнинг сифатини кузатиш учун автомат назорат пунктлари қурилишида фойдаланилмоқда.

✦ «Халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик учун, тинч-тотув яшаш учун» — Чехословакиянинг Карлова-Вари шаҳрида очилган «Турфильм-88» анъанавий халқаро фильмлар фестивалининг шиори ана шундай. У туристик мавзуга бағишланган. Фестиваль программасига жаҳондаги 24 давлат кинематографчилари яратган 100 га яқин кинолента ва видеопрограммалар намойиш қилиш учун киритилган.

✦ Пловдивда кузги халқаро техника ярмаркаси очилди. «Техника тараққиёти ва иқтисодий ҳамкорлик» шиори фан-техника ютуқлари бу обрўли кўрикнинг ўзига хос энг муҳим хусусиятларини аниқ ифодалайди. Пловдивда 30 мамлакатнинг 2400 га яқин фирмаси, ташқи савдо ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмалари энг янги буюмлар ва технологияларни намойиш қилмоқда.

(ТАСС).

НЕМИС ТИЛИДА

БОНН Нердлинген шаҳрида Ғарбий Германиянинг «Греноферлаг» нашриёти немис тилида чиқарган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материаллари тўпламига «Ошкора гаплар» деб ном берилган. Тўпламга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Горбачев доклади, партия анжумани кўпгина делегатлари нутқларининг текстлари киритилган. Китоб Ғарбий германиялик китобхонларга ҳозир Совет Иттифоқида нималар бўлаётганлигини, бу мамлакатда қандай кенг кўламли ўзгартишлар амалга оширилаётганлигини билиб олишда ёрдам беради, деди ТАСС мухбирига нашриёт вакили Зюльке Ханзен. Бу китоб СССР, унинг тараққиёти истиқболлари тўғрисида кўпроқ нарсани билиб олиш имконини беради. Тўпламнинг номи ҳам унинг қандайлигини кўрсатиб турибди. КПСС конференциясида долзарб муаммолар ҳусусида амалий, ошкора мунозара борди, унда ютуқлар ҳақида, ҳам, хатолар ва нуқсонлар тўғрисида ҳам рўй-рост гапирилди. Шубҳасиз, китоб ГФР ва Совет Иттифоқи ўртасида ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга кўмаклашади, деб таъкидлади Ханзен. (ТАСС).

САЛЬВАДОР:

ПАРТИЗАНЛАР МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Сальвадор ҳарбийлари мамлакат ватанпарвар кучлари билан кейинги бир неча кун ичидаги жангларда ўлган ҳамда жароҳатланганлар бўлиб 250 киши йўқотди. Сальвадор партизанларининг «Венсеремос» радиостанцияси шу ҳақда хабар қилди. 11 сентябрдан 24 сентябрга қадар, дейилади радиостанция ўқиб эшиттирган маълумотда, Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронти жангчилари Морасан департаментида ҳарбий радиоалоқа базасини яксон қилдилар, 3 та жанговар машинани сафдан чиқардилар, Дуартенинг халққа қарши режимига катта иқтисодий зарар етказдилар.

Аввал хабар берилганидек, Сальвадор ватанпарварлик кучлари сентябрь ойи ўрталарида Дуарте армиясининг «Эл Парисо» ҳарбий-стратегик базасига ҳужум қилиш билан жуда катта ҳаракатларни бошлаб юбордилар.

(ТАСС).

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан

Саҳифа № 4



Ҳурматли газетхон!

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг фанга маълум автобиографияси жуда қисқа. Мен уни архивдаги ҳужжатлар, кундалик дафтаридаги қайдлар, асарларидан парчалар билан тўлдириб, эътиборингизга ҳавола қилдим.

Профессор Лазиз ҚАЮМОВ.

ҚЎҚОН

«Отам (Ибн Ёмин — Л. Қ.) Ниёз ўғли 1836 йилда туғилиб, (вафоти 1920 йил 9 декабрь Л. Қ.). 16 ёшида деҳқонлиғин ташлаб, Бухорога бориб, эскича халқ дўктури бўлиб қайтгандур. Шу йили Аввалда менинг онамга ўйланиб (Жаҳон биби Рабибой қизи — вафоти 1910 йил 18 июль. Л. Қ.) Ҳўқанд келиб турғун бўлгандур.

Мана мен шул оиладан 1889 йилда туғулуб, отам ўқимишли бўлғон учун 1898 йилда ўзбекча, форсчага том саводли бўлиб, 1899 йилдан 1906 йилгача мадрасада эски усул билан дарс ўқишда давом этдим.

Мадрасани ташлаб бирор томонга кетиб ўқиш ҳаваси менда нақадар кучли бўлса-да, отам шу замоннинг энг фақир кишиларидан бўлғони учун иқтисод мени шу қадар кучсиз қиладур эди». (Автобиографиядан).

«Илтимос қилурманки, падари бузруквор ҳаммамизга маълум қилиб, бирор 10 сўм олиб, бир таъйин одамдин йиборсалар деб арз қилғувчи фақир мулла Ҳамза. Албатта, ҳамма ёр-биродарларга кўпдан-кўп дуойи салом. Боқий чи гўям. Ассолому алайкум, 3-чи шаъбон». (Ҳўқанддан Қашқарга Асомиддин ҳожи ўғлига юборилган мактубдан. 1906-чи йил).

«Лекин мусиқавий лаҳн (ашула туйғуси — Л. Қ.), дардланиш тағин эсқироқдир. 1897—1898 йиллардан оила ичида «Маснавий», Ҳофиз, Бедил, Юсуф Аҳмад каби шеърий рисолаларни ота-оналарга ўқиб беришда ўрнашган дурки, 1905 йил Япон мухорибаси учун лаҳни ёзилган бир шеърим. 1899—1900 йилларда ёзилган шеърий ёзишмаларим сақланиб келадур».

Шеърлар рўйхатидан:

«1906-йилники:

— Сан ўзинг ёш боласан, қилма жафолар большой.
— Худоё ҳолимизни ушбу кундан ҳам батар қилма.
— Худоё санга йиғлаб, қилурман арзи додимни.
— Бўлдим асире бир моҳитобон.

«1907-йилники:

— Талабда тахти дилни шоҳисан, дилдор деб келдим.
— Ўлтуруб эрдим эшикда, бир куни жон очамиз.
— Аё эй маҳшаве, золим тасаддуқ жоним айлансун.
— Оразинг моҳи мунаввар, талъатингдан ўргилай».

«1907 йили отам ҳаж кетиши муносабати билан, бирга Қашқарғача узатиш муносабатила саёҳатга боруб, биринчи мартаба «Вақт», Боқчасарой газеталарини ўқишга шундан ўрганиб қайтдим. Шундан бошлаб кундан кун эски ҳурофотларни, мадраса ўқишларини, халқ тирикчилиғидаги ўзгаришларни, маданият, иқтисод деган масалаларни текширишга кира бошладим».

«1907 мелодий 30 мартда чоршанба кун Ўққандлик Ҳайдарбек маҳаллалик Обиджон Маҳмудўфға олти (ой) муддатига юз сўмга мирзоликка муқим ўлдум. 1907 йил 10 апрелда манким, Ҳамза Ёминўф мазкур ҳовлида самовар қўймоқ, ошхонани тозаламоқ, чилим солмоқни гарданимга олдим, деб қоғоз берганман».

«1908 йилларда Ҳўқандда Ҳожибек гузарида Абдулвоҳид Муҳаммад Зоҳидхон ўғлига мирза бўлиб, Қоракўл заводида турдим»...

«Кўп узоқмас, 908-нчи йилларда ҳам мадрасада ўқуб юрган вақтимизда газет, журналларни бировлар номига ёздуруб олуб, қўлтуғумизга ёшуруб шул мадрасанинг қозон қўядирган қоронғу ҳужраларинда эшикни ичидан беклаб, ўшанда ҳам қўрқуб-қўрқуб ўқур эдик. Шунда газеталарда татар қизларининг муаллима, ва шоира, ва муҳаррирлари тарафиндин турмуш ҳақиндағи ҳар хил ширин ва куюнчли мақола, фельётон ва шеърларини ўқуб бўлганда шу қоронғу ҳужранинг деворига суяниб, соатларча бу ҳақиқий илми маорифдан маҳрум қолғон Туркистонимизнинг хотун-қизлари ҳақида ўйлануб-ўйлануб кечурган фожиона ўша ҳолларимни кўрган инсон боласи мени жонсиз музейларга қотуруб қўйғон қуруқ бир ҳайкалдан ажрата олмас эди.

Илгари маҳалламизнинг дастурхончиси Пошшо холам воситаси билан баъзи хотун-қизларнинг ораларинда одатга кирмиш бир хил пес расумларни кўзим ила кўриб, (у вақтда 15 ёшларда эдим, хотунлар баъзи ерларда қочмас эдилар) хаёлимда қолғонларин «Садойи Туркистон» газеталарига мақола ва шеър воситаси ила англатиб ўтган эдим. (Қаранг «Бидъатми, мажусиятми?», «Садойи Туркистон», 1914 йил 20 май, № 11).

НАМАНГАН

«Ахири 1908 йилда Наманган бориб, еттисаккиз ой таҳсил этганимдан сўнг ҳозирги маориф (Наманганда) раҳбари Абдулла Тўқмуллин билан тасодиф этиб, ундан яхши раҳбарликлар олдим. Ул менинг қўлимда ўз қаламим билан юз саҳифадан ортиғроқ эски усулдаги шеърий ёзишмаларимни кўруб, тарбияга киришди».

Шеърлар рўйхатидан:

«1908 й. дан 1909 й. ярми авваллариғача:

— Наманган шаҳрига жоно сани, дилдор деб келдим.
— Эй, ҳусн элин сарқитчаси маҳбуби давронлар аро.
— Худоё ман ғарибга ул дилоромимни еткургил.
— Ёр, оразинг узра гул бўланча... (жамъи 40 та).

«Менинг ташаббусим билан шунда 16 кишилик курс очиб, Ҳоди Мақсудийнинг арабий лисонидаги ҳисобларига ўхшаш асаридан уч ой давомида ўртачага яқин арабчадан, учинчи синфга бошқа фанлардан ҳозирлана олдим. Шул вақтда отамга ёзган арабча мактубларим бутунисича сақланиб келадур».

Изоҳ: Ҳамзанинг ўзбек, тожик араб тилларида ёзган 21 та мактуби маълум. Конверт устидаги иловадан намуна: «Ушбу хат Ўққандда мадрасаи Ҳоким оймда турувчи наманганлик мулла Абдулҳаким Охундга тегиб, баъдаз мулла Ҳамза қиблагоҳларига тегсун».

Яна бир мисол:

«Баъдаз арз шулки, мазкур конвертдаги хатни очмасдан ё волидамизга, ё ҳамширамизга беруб, жавобини ёзиб берса йиборурсиз. Бўлак одамга берманг. Агар хатни Наманганда мулла Абдуллахон Абдулхалил ҳожи ўғлига тегуб, баъдаз мулло Ҳамза десангиз кифоя қилур. Албатта жавобига мунтазирмиз. Боқий сўраганларга дуойи салом. Ассалому алайкум, дуойи мулло Ҳамза». (1909 йил, 16 апрель).

«1905 йил рабочий инқилобини ҳам мен шунда ўргандим. Қўл матбааси билан майда рисолача, эълонлар чиқариб турувчи бир татар йигити бўлуб, мен ҳар ҳафтада бир-икки унинг билан суҳбат қиладур эдим. Ул мени хили дардлаган бўлса керак, шул кундан бошлаб, эски подшолар турмушидан бир «Ҳақиқат кимда?» исмли ҳавосиз опералик роман ёзган эдим, ўғурлатдим, бугунки, топилмайдур.

Бундан буёнғи шеърларим миллий ва инқилобий тусларин ола бошлади».

ТОШКЕНТ

«1328-нчи ҳижрий 25-жумоду ул охирда чоршанба кунидан бошлаб Коғонда, матбаада 75 сўм ойлик юсасидан ўн беш кун туриб, сўнгра Самарқанд келуб, сўнгра Тошкент келдим».

(Таржимаи ҳолдаги тафсилот:)

«1909 йилда Бухорога Икромча домлада арабчани тамомлаш учун бордим. Лекин бўлмади. Чунки, бухороликлар билан шиалар жанжали бўлуб, Коғон матбаасида қочиб бир ой ишлаб, Тошканд келдим.

Шу кундан бошлаб миллий анжуманларга қатнаша бошладим. 1910 йилда Қашқар дарвоза маҳаласида биринчи марта усули савтия мактаби очдим. Шу кундан муаллимликка киришдим».

1910 м. 12-нчи декабрда 1328 ҳижрий 23 зулҳижжадан бошлаб, Тошкандда Қашқар дарвоза оғзидаги мактабда кечаси ўқувчилар исмлари:

1-нчи Аъзамхон Ҳакимбой ўғли
2-нчи Боқиназар Ғойибназар ўғли
3-нчи Бўрибой Ҳакимбой ўғли
4-нчи Тўхтасун... (Жами 38 та).

Тошкандда ибтидоийсина
Ҳужжат охирида:
1-нчи Абдулқодир Зокиржон ўғли 2-синф
2-нчи Муҳаммадамин Муҳиддинхўжа
3-нчи Муродхўжа Муҳаммадхўжа
4-нчи Аҳмадали Алибой ўғли
5-нчи Абдуқодирхўжа Ғуломхўжа... (Жами 51 та).

«Саёҳат вақтларинда охирги муҳаббат ила ортдирмоғимиз ахбобнинг адрес ва маълумот таърихлари:

1-нчи Ҳожилардан: Ҳожи Калимуллоҳ, Шоҳазимбой ўғли. Авсофи... Рисолайи тарихининг... нчи саҳифасинда... адреслари эски Тошкандда, Себзор дахасида, Қадват маҳалласида. Мулоқотимиз 1909-нчи милодий 25-нчи майда

2-нчи Тижжорлардан: Мулла Зафар (Қўшоқбой) Аҳмадбоюф... адреслари: Эски Тошканд, Себзор даҳаси, Чигит (йигит) боши маҳалласидадир. Дўкондаги адреслари Қазоқбозорида, тўнфуруш... Мулоқотимиз 1910-нчи милодий 1-нчи август.

3-нчи оддий косиб зокирлардан: Бўрибой... ўғли, қилдиғи ёрдамлари... Рисолайи тарихининг... нчи саҳифасинда, маҳаллалари эски Тошкандда, ...маҳалласида, адреслари Яккабозорда, Жўрабой Ҳожи Азимбой ўғли сўнг...

4-нчи Муаллимлар...дан: муҳтарам Мулла Собирхон, Шокиржон Арраҳимийлар, сабаби алоқалари... саҳифасинда жойлари Себзор даҳасида, Тахтапул маҳалласида, мулоқотимиз 1910-нчи милодий 2-нчи октябрь.

5-нчи Муаллимлардан... домла Усмон афанди... эски Тошканд китоб бозорида, Муҳаммад Носиҳали Маҳмудуф, сўнгра А... мулоқотимиз 1909-нчи милодий 20-нчи июль.

6-нчи Фурушандалардан... мулла Зафар саҳҳоф мулла Низомиддин ўғли, сабаби алоқамиз... нчи саҳифасинда, маҳаллалари, адреслари эски Тошканд, китоб бозорида... мулоқотимиз 1910-нчи милодий 7-нчи сентябрь.

7-нчи Ҳожи сайёҳлардан... Ҳожи Абдулкарим валади Ҳидоятқори мулла Зафарохун... саҳҳоф, дўконларида бир маротабагина суҳбат, сабаби алоқалари... саҳифасинда. Адрес: мулла Зафар мулла Низомиддин ўғли, китоб бозорида Тошкандда, мулоқотимиз 1911-нчи йилда 22-нчи январда.

8-нчи Қариб отамиз дўстларидан: Ҳомидхон оқсоқол ўғуллари Ҳомилхон, Собирхон, Абдуллахон афандилар. Қисқача таржимаи ҳоллари...нинг...нчи саҳифасиндадир. Маҳалла, Шайхантаҳур маҳалласида, мулоқотимиз 1908-нчи милодий 20-нчи майда.

9-нчи Пир...лардан: муҳтарам устози олий муаллим Мунавварқори Абдулмажидхон ўғли. Орадаги муносабат...нинг...нчи саҳифасиндадир: Адреслари: Эски Тошканд, Шайхантаҳур, Усули савтия мактабида, маҳалла Меҳрободда, мулоқотимиз 1908-нчи милодий 11-нчи декабрда.

10-нчи Самеқори Афанди, муаллим... ўғиллари...нинг...нчи саҳифасинда. Адреслари: Мунавварқори била баробар, ёҳуд Туркистон кутубхонасида, мулоқотимиз 1908 11-нчи декабрда

«1910 ва 1909 йилларда Тошкентда ёзилган шеърлар:

Нигоро бўйла жаҳла ғазабни оти ноз ўлмас.
Мани ҳар қанча жонон зулм айла, ёр этсангиз майли.
Бўлмишам ошиқ деголи, ҳам уёлиб қўрқаман.
Кетургул бир қадаҳ майдин ўларга етдим, эй соқий.
Эй, дўстлар, ажойиб енгил юради машинам,
Тошканаро кўп эркан искаб топар пашша
Ке, эй жоно мани ҳар қанча гирён айласанг майлинг!

ОИЛА

«1910 йил 1328 ҳижрийда 13-ражабда волидаи муҳтарама вафот, жумъа-дафн, июль 18-да»

«1911 нчи милодий 6 майда (1329 ҳижрий 20 жумодил-аввалда). Жумъа кун тонг вақтида марҳума волидани бу ҳолда туш кўрдим: Ман Бухорода таҳсилда эканман. Бенижозат кетканим учун хавф этуб, яна Бухородан пиёда Аввал (асли ватан)га азму доҳил ўлмишам. Марҳумани қиблагоҳлари ўлон бобомиз ҳовлисинда марҳума била мулоқотда ўлдум, эса марҳума суюмли ҳол ила банга (менга) илтифот эдарак ҳол-аҳвол сўраюр. Баним қўлимда бир китоб соймиш, они ўқудим эса марҳума йиғламоқа бошлади. Бан (мен) ҳам кўп вақт йиғладим. Марҳума ўқумуш эди. Волидам ёдимға тушуб, кўп йиғлаган эдим. (Ўз волидаи муҳтарамалари ўл вақтдан... сана муқаддам вафот этмиш эди) сан ҳам ўқудинг, йиғладим дегач, яна ман марҳумани волидалари учунда йиғладим. Сўнгра китобни қўюб, сўзға кируб (Волидаи Муҳтарамам, ман беадаблик қилуб, рухсатсиз Бухоройи шарифға кетуб қолубдирман. Ижозатсиз кетканимга қўрқуб, яна рухсат олмоқа келдим, агар марҳамат этуб ижозат берсангиз янадан Бухоро борсам) дедим. Марҳума яна йиғлаб (Болам ман сандин икки дунёда ризоман, ризо бўлганман, қиблагоҳинг (отанг), ризолик берса, боргин, ман ризолик бергач, қиблагоҳинг ҳам ризолик берар, албатта, сан илм истар эсанг биз икки дунёда ризомиз) деб йиғлаб ва (дуо) қилиб чап юзимдан бир бўса олдиларда, ман ҳам йиғлаб марҳуманинг ўнг кифтларидан бир бўса олдум. Уйғондум, салавоти фажр вақти экан. Демак, ўзум у оқшоми икки хаёл бирла ётмиш эдим.

Бири Истомбул (Истамбул) боруб ўқумоқ, иккинчиси марҳума биздан ризо бўлғанмукин, йўқми?»

«1911-нчи йил. Бир қиз билан боғланиш шеърлари:

— Ишқ ўтиға куймоғлиқ парвоналиғимдандир.
— Дедим: парий, ман хастага, мунча жафо даркор эмас.
— Эй ёр, бир етимни хор айламоқму, шунча?
— Келмиш ғазабларингиз, эй гулузор мунча?
— Келинг, маҳваш, адоватни қўйинг, ташланг ярашайлик... (Жамъи 93 та)

«1912 йил 12 октябрь. 1330-нчи ҳижрий 16-нчи зулқаъда шанба куни Зуҳрохоним (Аксиня Платоновна Уварова — Л. Қ.) ҳазрат Ғанихон олдиларида мусулмон бўлуб, якшанба кеч никоҳ бўлди.

1912 йили милод 29 декабрда Зуҳрохоним отасига кетди (Адрес: Тамбов губернаси. Темпиковский уезди. Ермишь почтаси, Иванково қишлоғи — Л. Қ.)

1912-нчи йил 30 мартда Ҳожибек гузаридаги мактабда турдиғим вақтларда кундуз-оқшом ўқувчи каттароқ, шогирдлардан азбарои ижмоъ ва иттифоқ хусусида жамият ибтидосининг аҳднома қоғозин кўчиргани бошлаб, ҳар жумъа азбарои мажлис ва суҳбат этмоқ миқдори 2 сўмдан 4 сўмгача сарф эдуб, навбат ила ўткармоқға аҳд қилиб қўймоқ учун тузилган устав ила ўзимиз раис, Ҳожи Ғозихон мулла Абдуҳалил домла ҳовлисида кечаси ўқувчилар, тароқчиликда:

1-нчи Мирзаолим Миртожибой. 2-нчи Абулқаюм.... ўғли, Авваллик, 3-нчи Муҳаммаджон Хидирбой».

1914 й. 8 ноябрдан шанба кундан эътиборан« Мактаби дорул айтом»да ўқувчи катта ёшдаги кишиларнинг исмлари, маҳаллалари, ўқиган муддат ва берган вазифа (пул)лари».

1-нчи Умаржон Абдуллажон ўғли, Марғилонлик, Усмонбой Мирҳошимбойнинг қайиноғаси, хат-имло, бир ой, бир сўм.

2-нчи Муҳаммадсидиқ Абдуҳалил ўғли, Ҳайдарбек маҳаллалик, хат-савод, ойлик, 2 ой, 2 сўм.

3-нчи Мираолим Тожибоюф, қўшнимиз: первая книга, хат-савод 2 ой, 1 сўм.

4-нчи Бўронбой Миртожибоюф, қўшнимиз, шифоҳия, 2 ой, 2 сўм.

5-нчи Абдулқаюм, Авваллик, хат-савод, 2 ой, 5 сўм.

6-нчи Мелибой Ниёзмуҳаммадуф, хат-савод, 1 ой; 2 сўм.

7-нчи Тошпўлад Абдусатторуф, Авваллик, холабаччамиз, хат-савод, 1 ой. 1 сўм.

8-нчи Мирсобир Муҳаммадрасулуф, ходабозорлик; хат-савод, бир ой, бир сўм.

9-нчи Муҳаммаджон Мирҳайдаруф. Ҳўқандлик, хат-савод, 2 ой, 2 сўм.

10-нчи Оқунжон, кўнчилик. хат-савод, 2 ой 2 сўм».

«1914-нчи йил 8 декабрдан бошлаб Миразим элликбоши боғида очилмиш «Дорул айтом» мактабига бошлаб келинган талабаларнинг номлари:

1-нчи Порсохон Эшонхон ўғли
2-нчи Жамолхўжа
3-нчи Аббосхўжа Бобохўжа
4-нчи Акбарали Мирюсуф
5-нчи Қўлдошбой Эргашбой (Жами 34 та).

1914-нчи м, 25-нчи декабрдан Ҳўқанддаги Муҳаммад Шариф маҳалласида Миразим элликбоши ўғлининг боғида, «Дорул айтом» мактабида, мазкур маҳалладан келуб ўқувчиларнинг исмлари:

2-сўм 1-нчи Мулла Шоҳяҳуф... ўғли, хат-савод 1 ой

1 сўм 2-нчи Уста Аҳмадали... ўғли, хат савод 1 ой.

2 сўм 3-нчи Нуриддинхўжа ... ўғли, хат-савод 1 ой.

2 сўм 4-нчи Убайдуллахўжа ... ўғли, хат-савод 1 ой.

2 сўм 5-нчи Назриддинхўжа ... ўғли, хат-савод 1 ой.

Мазкурларини ўқувлари бир ойдан, ёлғуз хат-савод бўлиб, ойлик икки сўм эди, бир сўмдан беруб боқийсин бермаганлардур.»

«1915, 9 январдан бошлаб 2 кун «Мактаби Дорул Айтом»да, сўнг Сўфи Бодал Эшон хонақоҳларида ўқувчиларнинг исми:

1-нчи Акбар Маҳзум, Галабаққол маҳаллалик, русистон, шифоҳия, истифтоҳ.

2-нчи Хўжахон Тожиюф, Галлабаққоллик, русистон.

3-нчи Раззоқ Шарифуф, Кўрфабой, биринчи русистон.

4-нчи Саъдуллахон Тожюф, Галлабаққоллик, русистон, шифоҳия, истифтоҳ.

5-нчи О. Обидий, Тошкандлик, русистон, шифоҳия, истифтоҳ.

6-нчи Маъруфхон, Галабаққоллик, русистон.

Бу зотларнинг ўқувлари бир ой бўлиб, баъзилари икки, баъзилари уч сўм ойлик бўлса ҳам ҳеч берганлари йўқ».

1915-нчи м, 15-нчи январдан кундуз ўқувчилар мазкур жойда мазкур мактабда.

3 сўм 1-нчи Мулла Мирюнус ... ўғли, Ҳўқандннинг қишлоғидан, имло 2 ой.

2-нчи Боқижон Абдурраҳмон махсум ўғли, Тароқчи маҳаллалик, 5 сўм Ҳўқандлик, Истамбул боруб ишида, шифаҳия, хат-имло 2 ой.

«Садиқам (менинг дўстим)!

Девон, ҳар иккимизи даъват эдиюр, оилам хасталиғила бан маъзурам! Афвингизла баробар киндингизи ташрифлари тавсия эдарам. Соғ ўл: имзо (Ҳамза Ниёзий) 5-VI-15 и.»

«1915-нчи йил 12-нчи июнда жумъа куни соат 10 дан тохим бешга қадар Ҳўқандаги Яъқубхўжа Яҳёхўжа эшои боғларидаги иттифоқ мажлиси («жаъмияти хайрия») бўлди.

Ҳафтада бир мажлисда бир киши навбатлик бўлиб, Ҳамза Ҳакимзодага 13 номер қоғози чиқди. Мазкур мажлис 3 кишидан сўнг Аббосхўжа Тиллахўжаев ўғлининг ихтилофи сабабли мажлис давомидан тўхтади. Мазкур аъзолар«1) Яъқубхўжа Яҳёхўжа 2. Ҳодихўжа Яъқубхўжа 3. Абдуссалом Олимжонҳожи. 4. Мирзоҳид Оқилий. 5. Мирҳомид Оқилий. 6. Маҳмудхон Аҳмадхонуф. 7. Раҳимжонҳожи 8. Ашурали Зоҳирий. 9. Ҳожи Юнус-Оғалиқ 10. Абдулваххоб Ибодий. 11. Муаллим мулла Тошпўлод[1]. 12. Муҳаммадхонқори. 13. Аббосхўжа».

«Тарихи ҳаётий. 1333 ҳижрий 29-нчи Рабби-ул-аввал. 1915 м. 1-нчи февралда якшанба куни 6 соат тонгда жаноба, бир қиз ато қилди. Исмини қиблагоҳимиз тарафиндин Савдохон қўюлуб эди. Шул 1915 м. 13-нчи июнь шанба куни намози шомда вафот ўлиб, 14 числода якшанба куни дафн қилинди, Шайхон қабристонида волидан маҳтараманинг жанубий-шимолисида».

МАРҒИЛОН

«Марғилонда танишдиғимиз зиёлилари

1. Абдуллақори... ўғли, сабаби алоқа рисолаи тарихимнинг... саҳифасинда мазкур. Мулоқотимиз (Мелодий)...

2. Абдулазиз Шамсуддин ўғли, сабаби алоқа рисолаи тарихимнинг... саҳифасида мазкур. Мулоқотимиз...

3. Акбарали Умаралиҳожи ўғиллари, сабаби алоқамиз рисолаи тарихимнинг... нчисида мазкур. Мулоқотимиз... Адреслари Эски Марғилон, Янгибой Акбарали Умарали ҳожи ўғли.

4. Азимжон Яёқубзода, сабаби алоқа... мазкур. Мулоқотимиз... Адреслари: Эски Марғилон, магазин, Турди Худойхўжоюф»

«1915-нчи м. 1-нчи Августдан бошлаб «Мактаби аҳмадия» мудири тарафиндан бизга берилмиш ойлик вазифалар (иш ҳақи):

Биринчи 5 сўм, иккинчи 1 сўм 20 тийин, учинчи 2 сўм, тўртинчи 3 сўм, бешинчи 5 сўм, олтинчи Абдулазиз тараффиндан 10 сўм, еттинчи 1 сўм 70 тийин, саккизинчи 8 сўм, тўққизинчи...

«1915 йил 15-нчи августдан бошлаб Марғилонда «Мактаби аҳмадия» мудири Аҳмадалиқори Муҳаммадали ўғли тарафиндан бизга берилмиш ойлик вазифалар: биринчи — (5 сўм), 2 (бир сўм 20 тийин), 3 (икки сўм), 4. (уч сўм), 5. (беш сўм), 6. (Абдулазиз Шамс тарафиндин: 10 сўм), 7. (бир сўм 70 тийин), 8. (саккиз сўм)».

1915 м. 17-нчи августдан бошлаб Марғилон шаҳрида Аҳмадалиқори Муҳаммадали ўғлининг тахти ҳимоясида ўлон «Мактаби аҳмадия»га жамъ ўлур, таълим олмиш талабаларинг исмлари:

Вазифа:

1-нчи Эминжон Абдулазиз ўғли, Тўйчибек маҳаллалик
2-нчи Турсунбой Муҳаммад ўғли. Михчагар гузарлик
3-нчи Ҳолмуҳаммаджон Солиҳбой, Тўйчибей маҳаллалик
4-нчи Муҳаммаджон Собир ўғли (Жами 39 та).

1915-нчи м. 17 августдан бошлаб, муаллим.(лик) курсида ўқувчилар:

1-нчи Исмоилжон Муҳаммадкарим ўғли, 2-нчи Абдураҳмон Исҳоқбой ўғли — Чорбоғда. 3-нчи Нурмуҳаммад Турдибобо ўғли — Хўжапорсода. 4-нчи Набижон Мусабой ўғли. 5-нчи Баҳромжон Мирзажон Ҳожи ўғли — иккинчи Қозиёнда. 6-нчи Қори Йўлдош Муҳаммадҳолиқзода — Ўқчида. 7-нчи Акбарали Умаралиэода — Абдуллабой маҳаллада. 8-нчи Ҳожи Омон Йўлдошбой ўғли — Катта қайрағоч маҳаллада. 9-нчи Абдулазиз Шамс — Қозлар ҳавзи (маҳалласида), ёрдамчи Ҳол.муҳаммад Охундий — Кўкмозорда.

Бу число ичинда кўришдиғимиз нуфузи ўрта ёш миллатпарварлар. Иброҳимхўжа Муҳаммадшоҳхўжа ўғли — Косагиронда, Рустамҳожи Ҳолиққулҳожи — Чорбоғда, Мирзайўлдош Абдужалил Мирзабаратуфлар — Гўравакда, Абдулмажид Бобораҳим ўғли — Жалойирда, мулла Шариф Оҳунд Каримжонбой ўғли — Янгоқзорда».

«1915-нчи йил 20-нчи августдан Марғилонда кундуз ва кечаси ўқувчи зўр (катта) кишиларнинг исм ва фамилия (ҳам), ойликлари:

№ исм фамилия маҳалла
1. Ҳабибулла Мирбобо ҳожи Тегирмон боши
2. Тожибой..... Тўйчибек
3. Умурзоқжон.... Гулбардор
4. Мулла Исмоилжон Миркаримқори (Жами 18 та).

Чорбоғда».

«1915 йил 28 августда Марғилонда Тегирмон бошидаги Қози Усмон домла ҳузурларида мулла Йўлдошқори Муҳаммад Ҳолиқ ўғли, Ҳолмуҳаммад Оҳундий, Аҳмадалиқори Муҳаммадалилар Ҳавожни диния, Адиби аввал, Адиби соний, Муомалот, Бадр ул ҳисоб, Шифоҳия, Истифтоҳ, Истикмол, Тарихи мўқаддам, Намунаи ахлоқ, Тажвид, Мунжшаот, Адабиёт рисолаларни олиб боруб кўрсатдилар.

Қози домла буларни кўриб, (майли мактабни давом қилдирингиз, лекин мени рухсат этканимни бошқаларга билдирмангиз) деб жавоб демишлар. Сўнгра шул числода муаллим(лик) курсидан Йўлдошқори Муҳаммад Ҳолиқ ўғлини Қудингтар маҳалласидаги масжидда «Усули савтия» мактаби очуб муаллимлик қилдик».

«1915 йил 29-нчи август 1333 ҳижрий 2-нчи зулқаъда Исмоъил махдум Муҳаммадкаримқори ўғилларининг чорбоғидаги мактабга 9 дона таҳсили алифбо рисоласи киргиздим, 6 дона Адиби аввал, демак, мактаб ҳуфяга айланди Марғилонда».

«1915-нчи йилда 15-нчи августдан бошлаб Марғилонда ўтмиш тарихий ишлар.

1915-нчи м, 1333 ҳижрий 24-нчи шаввол шанба кун соат 9 да Галабардор маҳалласидаги Тўйчибой масжидида (Занжилли)ги имому мударрис хазратлари била масоҳид бўлуб, идораларида ўлон эски мактабга биринчи «Ҳаважни диния»(га) дохилдор қилдик.

Марғилондаги «Мактаби аҳмадия» мудири мулла Эгамберди Бобораҳим ўғли Марғилоний соатсозга (вивеска) буюрмоқчи бўлганда камина бу мактаба «Юсуфия» ном ўлди, иншооллоҳ ўқув давом ўлди деб ёзув бермишдим. Жаноб мулла Эгамберди они ҳажв эдарак, бир неча ёзмиш ҳажвиётиндан бир намунаси будур: (шеър келтирилади).

(«1915 йил 4-нчи сентябрда панжшанба оқшомидаги поездда IV классда Ҳолмуҳаммад Оҳундий била Шаҳрихонга бордук»

1915-нчи м. 9-нчи сентябрь пайшанба куни Абдулазиз Шамсиддин Акбарали Умаралиэода ҳузурида Аҳмадалиқори Муҳаммадали ўғли бизим маош қарор қилдилар. Ҳолмуҳаммад Оҳундий талабича мазкурни ҳар ойда бермоқға ва устига мудир олди. Яна 1916-нчи м. 1-нчи январида Абдулазиз Шамсиддин, Акбарали Умаралиэода, Тожибой ака, Мулла Мўҳтасин ҳузурида мазкур 30 сўм вазифадан 10 сўм талаб қилуб, йигирма сўмдан бермоққа қарор қилдилар. Мазкур биринчи январдан бошлаб берган ақчаси: 1-нчи 10 сўм, 2-нчи 10 сўм, 3-нчи 10 сўм, 4-нчи тамом».

«1914 йилларнинг охирларида ҳозирги Фарғона» газетасининг муҳаррири ўртоқ Оҳундийларнинг ғайрати билан Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормай Андреев номидаги Скобел маориф раҳбари томонидан ёпилди. Бунга сабаб Марғилонда аввалдин давом этиб турған мактаб ҳамда тузелини рус мактаби муаллими Қудратилла Қорининг Андреевга бериб турган ахборидир.

Ундан яна Ўққанд келиб, Қўқонда ўзимга яқин кишилар тўплаб, уларнинг ёрдами билан йўқсул болалар учун пулсиз ўқутиш мактаби очдим. 20-30, кейин 15-16 киши бир ойгина ёрдам бердилар, ўзим 4 ойча давом эттиргандан кейин, уяз начальниги (Мединский) томонидин тинтув бўлуб, ёпилди. Лекин ҳеч бир қандай қоғозларим қўлига тушмаган учун қамалмай қутилдим. Ҳозирда ҳам шул нона варақлар имзолар билан сақланадур».

«Ассалому алайкум, жаноби муҳтарам муаллима Аҳмадалиқори!

Эрта жумъа куни 13-нчи нўёбрда Ўққандда театр қўюлур экан. Ушбу мактуб етгач, соат 4 даги «скорий»да етуб келсангиз; тўғри келурсиз. Адрес: Ўққонд, Масжид Тароқчи, Ҳакимча ҳовлиси, ёхуд поездда келишда... тўхтасангизда бўлур, ортиқ даражада таъбин қолурсиз. Ассалом, Ҳамза Ҳакимзода».

«Старий Маргелан, Посудний базарь. Г-ну А. Х. Зайнуллину», — «Афандим! Бугундан қолдурмай тездан Аҳмадалиқорига топшурсангиз, зероки соат 4 даги «скорий»га етсун! Ассалому алайкум, Муаллим Х. Ҳ. Н».

«Ундан сўнг кечки курс давом эттуруб юруб, 1915 йилда яна мажлис чиқариб, китобхона, қироатхона каби масалаларни ҳал қилиб, «Ғайрат» исминда китобхона очдирдим. Бундин мақсад бугунгача ёзилган асарларим баъзиларин ўз сармоям билан босдирган бўлсам ҳам, улар майдарок бўлуб бошқаларни шул китобхона исминдин босдириш эди. Лекин китобхонамиз очилғандин сўнг 1910 йилдан бери меним мажлис ва мактабларимға бутун кучи билан қарши келиб турған бойвачча унсурлар кириб қолиб, асарларим уёнда турсин ўзимни ҳам суруб чиқардилар. Ҳозирда материалим билан бирга билувчи ҳаёт кишилар ҳаммалари, деярлик бордур».

«1916-нчи санаи милодийдан 18-нчи сентябрда биринчи жузь «Адабиёт рисоласи»нин икки минг адад нашр қилмоқ ҳуқуқини қалам ҳақисин олуб «Ғайрат» кутубхонасина бердим. Иккинчи табъ ҳуқуқининг эҳтиёри узумдадур, деб Ҳамза Ҳакимзода ўғли».

«21-нчи рамазон жумъ куни жаноб қўрбоши Муҳаммадаминжон, мингбоши Маҳмуджон, тўрт қози, Абдуррашид оқсоқол... Абдураззоқ бойвачча... Бадаз жумъа айвон суффасида туруб, қўрбоши нутқ сўйлаб сизлардин аскар олунмас, рабочий олинур... деган сўзларни сўзлади».

— «22-нчида шанба куни Арвон чирсидаги қишлоқда Иброҳимжон мингбошини Сотиболди одами... мирзоси била ўлдурдилар, ҳужумчилардан бир киши ўлди, 300 киши миқдори банди бўлуб, иккинчи кун саккиз кишидан бошқаси озод қилинди.

24-нчи душанба кун Ганжиравон мингбошини ёлғон сабабли юзор киши банду бўлуб келтурилди ва ҳам шу кун бозорларда ҳийла тўфолонлар бўлди.

«24-нчи Рошидонда шул ҳодиса бўлди. 1916». «1916 йилда январь 18-Абдуллабек мактабларидан талабалар учун парта қилмоқ ва бошқа заруратлари учун иона йиғилди:

Маҳмуджон Аҳмадхонуф — уч сўм
Мулла Искандар афанди — бир сўм
Ҳамзахон афанди — бир сўм 50 тийин
Мулла Тўйчи афанди — бўш сўм
Исмоилжон афанди — уч сўм
Мулла Усмонжон афанди — бир сўм
Мулла Пўлоджон афанди — ўн сўм
Орифжон — 50 тийин.

жаъми 25 сўм».

(Ҳужжат охирида «25 сўм олдим» деб Абдуллабек қўл қўйган).

«1917 йилгача асарларимни босдириш, асар ёзиш, газетада мақола ёзиш, Лошмон воқеалари ҳақида турли мажлислар қилиш билан давом этдим».

---

1. Менинг отам — «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» Пўлатжон Қаюмов. Л. Қ.

ПОКИЗА БЎЛСА ҲАР ЕР

Саломатлик—туман бойлик

Директор хонасига барвақта, гавдали, аммо ранги сариғайган йигитча кириб келди.

— Енгилроқ иш берсангиз, директор бобо...

Шомурод Ҳақназаров унга ажабланиб қаради.

— Қоровулликми, майда-чуйда бошқа ишми...

Хўжалик раҳбари ҳайрон. «Куни-кеча забардаст, жуссасидан куч ёғилиб турган бир неча ёш-яланг енгил-елпи иш сўраб келишибди. Бу сариғайма хасталиги кўпларни сондан чиқардия» ташвишланарди у.

— Ука, биламан, — дея ётиғи билан гап бошлади директор. — Сариғайма бўлгансиз, оғир иш қилолмайсиз. Лекин бизга ҳам осон. тутманг. Ҳаммани енгил иш билан таъминлаб бўлмайди. Сабр қилинг, маслаҳатлашиб кўрайлик-чи...

Беморнинг кайфияти бироз кўтарилиб, хонадан чиқиб кетди. Бироқ, директор ўйга толди...

Сулаймон Муродов номли 29-совхоз директори Шомурод Ҳақназаровнинг ташвишланганича бор. Совхоз бош қўрғони четдан қарганда чиройли кўринсада, уй-жойларининг таши ялтироқ, ичи қалтироқлиги кўп ўтмай билинди. Посёлка водопроводлашмаган. Ичимлик сув автотранспортда ташиб келтирилади. Тозаликка мутлақо эътибор берилмайди. Уйларнинг канализация ва санитария узеллари ишламайди. Хонадонлар ёнида ахлатлар сочилиб ётибди. Шунинг оқибатида бир йилда юздан зиёд киши юқумли касалликка чалинибди. Уларнинг кўпчилиги хўжалик оғирини енгил қилади-ган меҳнатсевар кишилар-дир.

Бундай нохуш манзарали хўжаликлар Қашқадарёда ягона эмас. Атроф муҳитга, тозалиқка эътиборсизлик натижасида область шаҳар ва қишлоқларида юқумли касалликлар кўпаймоқда. Тозаликка санитария-эпидемиология станциялари ҳам, қишлоқ Советлари ва маҳалла комитетлари раҳбарлари ҳам бефарқ қарашмоқда. Ахлатлар ўз вақтида ташиб олинмайди.

Биргина мисол. Янги турмуш кўчасининг бошига йил давомида ахлат тўкилади. Область агросаноат комитети ихтиёридаги турар жой массивида яшовчи аҳоли эса чиқинди ташлашга жой тополмай сарсон-саргардон. Уй-жойга мутасадди раҳбарлар эса бепарво. Область ва шаҳар санитария-эпидемиология станциялари раҳбарлари бу ташвишли аҳвол билан ишлари йўқ. Ҳолбуки, ахлат тўкилган жойдан сал нарида болалар боғчаси ва ўрта мактаб бор. Ахир, атроф муҳит тозалигига бундай лоқайдлик билан қараш инсонга эътиборсизлик деган гап-ку.

Саноат, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиладиган, аммо инсон саломатлигига зарар етказадиган химикатлар ҳам турли-туман юқумли касалликларни келтириб чиқармоқда. Шаҳрисабз консерва, ёғ, ароқ-вино, сутпишлоқ заводлари, «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасидан чиқаётган сувларни тўкадиган махсус жой йўқ. Уларнинг чиқиндилари кўпинча Оқсув ва Танхоз дарёларига келиб тушиб, топ. тоза об ҳаёгни бўлғамоқда.

Шунингдек, Яккабоғ ва Чироқчи районлари ичимлик сув учун фойдаланадиган Қизилдарёга шу атрофда яшайдиган аҳоли, колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермаларидан ахлат ҳамда ҳар хил чиқиндилар ташланаётир. Дарё, сой, канал ва ариқларнинг ифлослашиши фақатгина ичимлик сув сифатини йўқотибгина қолмай, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатяпти. Воҳада сариғайма, тиф, ошқозон-ичак сингари юқумли касалликлар сезиларли кўпаймоқда.

Қишлоқлар санитария-гигиена маданияти талабларига бутунлай жавоб бермай ди. Кўча ва уй-жойлар ёп атрофи ифлос. Чиқиндилар ўз вақтида четга чиқарилиб ташланмайди. Дала шийпонлари, яслилар ва умумий овқатланиш корхоналари, магазинларда тозаликка риоя қилинмайди. Айниқса, аҳолининг ичимлик сув таъминоти жуда ёмон. Қишлоқ аҳолисининг 37 фоизигина тоза, сифатли ичимлик сув билан таъминланган, холос. Бу кўрсаткич Ульянов, Қамаши, Усмон Юсупов районларида бундан ҳам паст. Мазкур районларда яшовчи кўпгина аҳоли ариқ, канал ва қудуқ сувларини истеъмол қилишмоқда. Начора, бошқа илож ҳам йўқ.

Бу соҳада жиддий қийинчиликка дуч келаётган Қарши районидаги Потрон, Косон районидаги Узун қудуқ, Усмон Юсупов районидаги 21-совхоз маркази, Ульянов районидаги Пондрон, Шакаржуй, Дўрмон, Олмазор каби ўнлаб қишлоқларни кўрсатиш мумкин. Район ижроия комитетлари раҳбарлари аҳволни тузатиш, қишлоқларни водопроводлаштириш тўғрисида қайғурмаяптилар. Ахир аҳолини сифатли ичимлик сув таъминоти билан ким шуғулланади?

Шуниси ташвишлики, областдаги кўпгина мактаб ва мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳам ҳозиргача водопровод суви билан таъминланмаган. Жумладан, мактабгача тарбия болалар муассасаларининг 337 тасида водопровод, 523 тасида канализация умуман йўқ. Усмон Юсупов, Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ районларида аҳа шундай камчиликлар мавжуд. Ваҳолонки, бу муҳим иш мутасадди ташкилотлар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. «Каршистрой» бошқармасига қарашли совхозларнинг ярмида уй-жойлар тўла водопроводлашмаган. Канализация, санузеллар яхши ишламайди. Болалар муассасаларида ҳам ташвишли ҳол ҳукм сурмоқда.

— Аҳолини ичимлик сув билан тўлиқ таъминламаслик ва тозаликка эътибор бермаслик юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, — дейди область юқумли касалликлар шифохонасининг бош врачи Эркин Нодиров. — Бу борада профилактик ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, аммо айрим районларда сариғайма касаллиги ҳозир ҳам юқори кўрсаткичда турибди. Қарши ва Шаҳрисабз районларида эса бу хасталик айниқса болалар ўртасида авж олаётганлиги ташвиш туғдирмоқда. Бундай фактлар соғлиқни сақлашда ҳали ҳам қайта қуришга эришилмаганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Юқумли касалликларнинг олдини олишда профилактик эмлаш жуда катта аҳамиятга эга. Афсуски, областдаги 624 та фельдшерлик-акушерлик пунктидан 55 тасида эмлаш учун қулайлик етишмайди. Уларда вакцина сақлаш учун холодильник йўқ. Буни мутасадди ташкилотлар «арзимаган муаммо» дея ҳал этмаяптилар. Шу ўринда Қамаши, Яккабоғ, Ғузор ва Деҳқонобод районлари совет, хўжалик ва медицина органларининг иши қаноатланарли эмас.

Тозалик — инсон саломатлигининг муҳим гарови. Бунга эришиш учун атроф муҳит ҳам, ичимлик сув ҳам тоза бўлмоғи лозим. Шундагина одамлар хасталикка кам йўлиқадилар. Олам янада мунаввар, инсон соғ-саломат, кўнгли равшан, унинг ишида унум ва барака бўлади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ПОЛИМЕРЛАР ХИМИЯСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

композицион полимер материаллар лабораториясига «юқори молекуляр бирикмалар химияси» ихтисоси бўйича **катта илмий ходим** (фан кандидати);

полимерларнинг химик технологияси жараёнлари ва аппаратлари лабораториясига (Чирчиқ шаҳри) **катта илмий ходим** (фан кандидати), **кичик илмий ходимлар** (2) ва хўжалик шартномаси бўйича **кичик илмий ходим;**

полимерлар физикаси лабораториясига «қаттиқ жисмлар физикаси» ихтисоси бўйича **илмий ходим;**

полимерлар синтези лабораториясига «юқори молекуляр бирикмалар химияси» ихтисоси бўйича **кичик илмий ходимлар** (2);

полимерларнинг химиявий моделлаштирилиши лабораториясига «юқори молекуляр бирикмалар химияси» ихтисоси бўйича **кичик илмий ходим;**

уруғлар сифатини яхшилаш бўйича тармоқ лабораториясига «юқори молекуляр бирикмалар химияси» ихтисослиги бўйича **катта илмий ходим** (фан кандидати), **илмий ходим ва кичик илмий ходим.**

Конкурс муддати — 4 октябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-«а» уй. Телефон: 41-88-01.

АҲОЛИ, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» КЎП ТАРМОҚЛИ КООПЕРАТИВИ ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ

амалга оширади

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, саноатга тааллуқли турли юкларни ва уй-рўзғор буюмларини шаҳар ичкарисида, шунингдек, юкларни ўзи ортиш ва туширишни таъминлаган ҳолда республикадан ташқарига автотранспортда ташиб беради.

— лойиҳа-конструкторлик ишланмаларини бажаради ва ностандарт жиҳозларни, пресс-андаза ва бошқа ускуналарни тайёрлайди;

— граждан ва саноат қурилиши объектлари бўйича лойиҳа-қидирув ишларини;

— иситиш системалари ва санитария-техника ускуналарини, жумладан, иссиқлик узелларини (буюртмачиларнинг фонди ҳисобига) ремонт қилиш ишларини;

— социал, маданий-маиший ва бошқа турдаги объектларда бадиий безаш ишларини бажаради.

Буюртмачилар нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан иш ҳақини тўлашлари керак.

Адрес: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 39-уй, шанба ва якшанба кунларидан ташқари соат 10 дан 19.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Телефон: 55-59-94.

Қидирув давом этади

ИЗЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ

✦ Қаҳрамон шаҳар Мурманскда урушдан қайтмаган, шунингдек, жанг майдонларида ҳалок бўлган ва госпиталларда вафот этган жангчилар номини аниқлаш ишлари давом этяпти. Уларни билганлар қидирув штабига хабар қилишларини сўраймиз: **183038, Мурманск, Шмидт кўчаси, 43. «Рибний Мурман» редакцияси, «Землякн» операцияси.**

✦ 1940 йил фин уруши, Шимолий Буковина халқларини озод этишда иштирок этган, 1941 йил 22 июндан Перемишель чегара шаҳридан Ватан урушида қатнашган 376 (ГАПРГК)-артиллерия полки ветеранлари Совети 1939 йил сентябридан 1941 йил 28 октябригача Рильштейн деган жойда ҳарбий хизматни ўтаган дараксиз йўқолган жангчилар ва командирларни изламоқда. Полк командири, майор Наумовнинг исм-шарифини, полкнинг жанговар байроғи қаердалигини ким билади? Бу ҳақда қуйидаги адресга маълум қилинг: 281040, Хмельницкий область, Шепетовка шаҳри, Карл Либкнехт кўчаси, 131-уй. Алексей Михайлович Бесчастновга.

✦ 43-армия 334-ўқчи дивизиясининг 1124-ўқчи полки снайпери вазифасида жанг қилиб, «III даражали Шуҳрат» ордени билан мукофотланган, Витебск областининг Сиротиг районидаги Ковоногова қишлоғида душман мудофаасини ёриб ўтиш учун бўлган жангларда кўрсатган жасорати учун ўлимидан сўнг «I даражали Ватан уруши» ордени билан тақдирланган Турсунқул Холсаидовнинг қуролдошларини унинг қизи Б. Турсунқулова излайди.


Адрес: Тошкент области, Бўка райони, Фурқат кўчаси, 22-уй.

✦ 316-ўқчи дивизиянинг икки марта Қизил байроқ орденли Темрюк 1023-ўқчи полки составида Юсуф Жаманоқов билан бирга Венгрия тупроғини фашистлардан тозалаш. Дунай дарёсини кечиб ўтишда бирга иштирок этганман. Полк командиримиз подполковник Григорьев эди.

Юсуф дам олиш пайтларида Тошкент шаҳрида яшаганлигини, отаси новвойхонада ишлаганлигини ҳикоя қиларди.

Дўстимнинг тақдири менга номаълум. Агар ушбу сатрларга кўзи тушса, қуйидаги адресга маълум қилса, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этардим: **366703, ЧИАССР, Сунженский район, Асиновская станцияси, Завод кўчаси, Переулок 5 «Г». Николай Антонович Киселевга.**





БУХОРО ЧОРЛАЙДИ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида бўлсангиз унинг пурвиқор бинолари, ноёб обидалари ва хиёбонларига ҳавасингиз келади. Бу ерда аждодларимиз хотираси кўзгуда акс этгандай. Миноран Калон, Мир Араб мадрасаси ва бошқа тарихий обидалар шаҳарга ташриф буюраётган ҳар бир знёратчида катта таассурот қолдирмоқда. Шаҳар маркази Лаби-Ҳовузда эса Шарқ эртакларининг таниқли қаҳрамони Насриддин Афандининг ҳайкали қад кўтарган. У тошкентлик ҳайкалтарош Я. Шапиро томонидан ишланган.

Суратларда: [юқорида] кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри. Бухоролик мисгар Шокир Камолов иш устида.

Р. ШАГАЕВ фотолари. (ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОСОНМАС

Олимпиада машъаласи ҳамон ловуллаб, мусобақа байроғи ҳилпирамоқда. Спортчилар сўнгги медаллар учун курашмоқдалар. Жаҳон спортчиларининг йирик анжумани якунланиш арафасида. Аммо қизғин курашда Олимпиада чемпиони бўлиш, ғолиблик супасига кўтарилишнинг ўзи бўлмаяпти. Қўлга киритилган совринлар билан уйга қайтиш ҳам ҳар кимга насиб этавермайди. Бугун совет гимнастикачилари Олимпиада медаллари билан Москвага етиб келадилар. Аммо канадалик моҳир югурувчи Бен Жонсон олтин медални ташлаб ватанига кетадиган бўлди. Маълум бўлишича 100 метрга югуришда 9,79 секундли натижа билан жаҳон рекордини ўрнатган бу спортчининг ютуғи бекор қилинган. Медицина комиссияси текшириш натижасида ман этилган дори-дармон истеъмол қилган Бен Жонсонни чемпионлик унвонидан маҳрум этди.

Совет олимпиадачилари ўтган кунги баҳсларда яна иккита олтин медалли бўлишди. Жами олтин медаллар 35 тага етди. ГДР спортчилари 29, АҚШ олимпиадачилари 17 тадан олтин медаль билан команда ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринларда боришмоқда. Димитровградлик Юрий Захаревич вазни 110 килограммли оғир атлетикачилар билан мусобақада икки марта жаҳон рекордини ўрнатди. У иккикурашда 455, даст кўтариш-да 210 килограммли натижа билан Олимпиада чемпиони бўлди.

Совет қиличбозлари ҳам команда ҳисобида муваффақият қозонишди. Александр Романков, Илғор Мамедов, Владимир Апциаури ва Анвар Иброҳимовлардан иборат рапирачиларимиз Олимпиада олтин медалларини қўлга киритишди. Елканли қайиқ ҳайдашда талантлик ака-ука Тин ва Томас Тинистелар кумуш медали совриндори бўлишди. Днепропетровсклик Лариса Москаленко билан Ирина Чуниховская эшкак эшишда маҳорат кўрсатиб, бронза медалларини қўлга киритишди. Шунингдек, тбилисилик Георгий Тенадзе дзюдо беллашувида совринли учинчи ўринни олди.

Футболчиларимиз саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, чемпионликка асосий даъвогар бўлишга имкон топдилар. Улар ярим финал учрашувида Италия командаси билан майдонга тушиб, ғалаба қозонишди. Учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб 1:1 бўлди. Қўшимча вақтда эса командамиз 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни Добровольский, Нарбековас ва Михайличенколар киритишди. Ваҳолонки, футболчиларимиз ўйин бошида 0:1 ҳисобида ютқазишаётган эди. ГФР командасининг бош тренери Франс Беккенбауэр финалда СССР ва Ғарбий Германия терма командалари учрашадилар, деб таҳмин қилган эди. Лекин ундай бўлмади. Иккинчи ярим финал учрашувида куч синашган Бразилия — ГФР учрашувида ўн бир метрли жарима тўплари тепиш бўйича 3:2 ҳисоби қайд этилди. Шундай қилиб, 1 октябрь куни совет футболчилари Бразилия командаси билан ҳал қилувчи ўйинда куч синашадилар. Уйлаймизки, 32 йилдан кейин Олимпиада турнири финалига чиққан футболчиларимиз ҳозирча нақд кумушни олтинга айлантиришга имкон топадилар.

Волейболчиларимиз ХХР командаси билан учрашувда (3:0) ғалаба қозонишди. Совет гандболчилари Югославия командасини (18:15) мағлубиятга учратдилар. Баскетболчиларимиз учинчи ўрин учун Австралия командаси билан учрашадиган бўлишди. Ватерполчиларимиз эса ҳал қилувчи ўйинга йўлланма олишди.

Олимпиада якунланиш арафасида совринли ўринларга даъвогарлик кескин ва муросасиз бўлиб бормоқда.

Ҳ. НОСИРОВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида босмадан чиқарди.

А. Лизичев. Ватанни ҳимоя қилиш: инсон омили. 158 бет. Баҳоси 25 тийин.

Китобда КПСС XXVII съездининг қарорлари асосида армия ва флотда партиявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш, қисмлар ва кемаларнинг жанговар шайлигини ошириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш вазифалари тўғрисида сўз боради.

Авторлар коллективи. Илк қадамлар, муаммолар. 144 бет. Баҳоси 25 тийин.

СССР Журналистлар союзи аъзоси Ж. Саъдуллаев тўпланган бу китобчага партия ходимлари, журналистлар, ишчилар, колхозчи ва хизматчиларнинг бутун ишни қайта қуриш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари баён этилган ва республика матбуотида босилган материаллардан намуналар киритилган.

С. Шермуҳамедов. Инсон омили ва совет жамияти тараққиётини жадаллаштириш. 36 бет. Баҳоси 6 тийин.

Китобчада инсон омили масаласи марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ҳамда унинг совет жамиятининг иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларининг равнақида, жадаллаштиришда ва қайта қуришда асосий ҳал қилувчи куч эканлиги аниқ мисоллар билан очиб берилади.

М. Восиқова. Ҳотин-қизларнинг ҳуқуқ ва бурчлари. 38 бет. Баҳоси 6 тийин.

Рисолада меҳнаткаш хотин-қизларга, оналарга чинакам эҳтиром ва ҳар томонлама ғамхўрлик — Советлар мамлакатида ижтимоий муносабатлар нормасига айланганлиги хусусида фикр юритилган.

М. Асқархўжаев. Истиқомат жойларида бўш вақтни ташкил қилиш. 38 бет. Баҳоси 6 тийин.

Китобчада истиқомат жойларида болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини уюштиришда педагогик коллективлар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишларнинг айрим йўллари ва мазмуни ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳ. Узоқов. Ўсмирларни буржуа идеологиясига муросасизлик руҳида тарбиялаш. 32 бет. Баҳоси 6 тийин.

Китобчада буржуа пропагандаси идеологик қўпорувчилигининг туб мақсади очиб ташланган ва унга қарши ҳужумкор кураш олиб бориш йўллари баён этилган.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

СССР Нархлар давлат комитети НАРХ-НАВО БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бўлим мудирлари: нарх-наво методологияси, агросаноат комплексида нарх-наво, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотлари учун нарх-наво, халқ истеъмоли моллари нарх-навоси, табиий ресурслар ва сув учун тўлов;

ҳар бир бўлим бўйича — биттадан, агросаноат комплекси бўйича — иккитадан **катта ва кичик илмий ходимлар.**

Конкурсда илмий даражага эга бўлган мутахассислар ва илмий даражасиз юқори малакали мутахассислар қатнашиши мумкин.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун.

Конкурслар тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700195, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон ССР Нархлар давлат комитетининг кадрлар бўлими. Справкалар учун телефон: 41-82-14.

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

«УЗРЕМБИТТЕХНИКА» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилиши муносабати билан

«УЗСЛОЖБИТТЕХНИКА» РЕСПУБЛИКА САНОАТ БИРЛАШМАСИ **ТУГАТИЛДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700060, Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 1-проезд, 4-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IX да **Келинлар қўзғолони,** 30/IX да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/IX да **Тошкентда туман,** 30/IX да **Сўнмас аланга** (премьера, 19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IX да **Сўнаётган юлдузлар** (19.00), 30/IX да **Алвидо, ҳаёт** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА **ВЛКСМ нинг шонли 70 йиллигига бағишланади**

30 сентябрь, 1, 10, 27 октябрь соат 19.00 да

ПРЕМЬЕРА

Ю. МАРЦИНКЯВИЧУС **пьесаси**

М. БАФОЕВ **музикаси.**

С. РАҲМОН **таржимаси.**

«СЎНМАС АЛАНГА»

(Прометей достони)

2 пардали музикали романтик трагедия.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Р. БОБОХОНОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.

Рассом — А. СЛУГИН.

Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.

Балетмейстерлар — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Ш. АҲМЕДОВ; Ю. ИСМАТОВА.

Асосий ролларда. — Ўзбекистон ССР халқ артисти МАҲМУДЖОН ҒОФУРОВ.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: А. АБДУРАҲМОНОВ, С. ПЎЛАТОВ.


Артистлар: Н. РУСТАМОВ, З. БОЙХОНОВА, С. РАҲИМЖОНОВ, Ф. АҲМЕДОВ, С. ОДИЛОВ, Р. ТУРАЕВА, Х. НОСИРОВ, Х. ТЎХТАЕВ ва бошқалар.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги Бутуниттифоқ ҳунар-техника таълими илмий-тадқиқот институти Тошкент филиалининг мудири А. П. Худойберганов**нинг** отаси

Пўлат ХУДОЙБЕРГАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

● *Тингланг, томоша қилинг*

29 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.50 — Янгиликлар. 11.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.30 — Мультфильм. 15.50 — Янгиликлар. 16.00 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Иқтисодий билимлар асослари. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Диққат: олти ёшлилар. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Ажойиб кишилар ҳаёти. 11.35 — Физика. 12.05 — Испан тили. 13.05 — «Сен нимани танлаган бўлардинг?» Бадиий фильм. 14.20 — Экранда Сибирь. 14.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 15.30 — Янгиликлар. 15.40 — «Гаплашиб олайлик». Бадиий фильм. 16.55 — Ҳужжатли фильмлар. 17.35 — Татар халқ куйлари. 18.00 — Ҳужжатли фильмлар. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Инсон ва қонун. 19.20 — С. Рахманинов романсларини Л. Казарновская ижро этади. 19.40 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — «Йўқ қилишга киришилсин». Бадиий фильм. 1-серия. 22.50 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 23.30 — Ёзги Олимпиада ўйинлари. 01.00 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Болалар учун фильм. 15.15 — «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм, 1 ва 2 сериялар. 17.30 — Биз қандай дам оламиз. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Ёшлик. 19.00 — Кооперативлар ва кооператорлар. 19.30 — «Муножот». Телетеатр 20.00 — Ахборот. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Катталар учун мультфильм. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Хирмонингизга барака! 22.05 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 23.15 — «Фарзандлар» Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Миртемир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — «Зилола» ансамбли ижро этади. 9.45 — Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Мушоҳада. 13.00 — Малиш. 13.30 — Музикали календарь. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Тенгдошларинг куйлайди. 18.15 — Жаҳон сиёсатининг актуал масалалари. 18.30 — Ўзбекистон Давлат телерадиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 19.20 — Юность Узбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Эл-га хизмат — олий ҳиммат. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.40 — Ёзги Олимпиада ўйинларида. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 10994. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 224. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12